

МУАММО — ИЖРО, СИФАТ, ТАРТИБ-ИНТИЗОМ, МАСЪУЛИЯТДА

2.

@Xolisnazar

@Xolis_nazar

www.mahalladosh.uz

Маҳалла



№ 20
(2002)
2021 йил 18 май



ЭЪТИРОЗДАН БАРЧА ХУЛОСА ЧИҚАРИШИ ЗАРУР

БОЗОР ТАРТИБГА СОЛМАГАН МАСАЛАНИ КОРРУПЦИЯ «ТАРТИБГА СОЛАДИ»

6.



ҲОКИМЛАР АСЛ ҲОЛАТНИ БЕРКИТИШЯПТИМИ?

9.



«ПИТАК»ЛАРДА ЙЎЛОВЧИ ТАЛАШИШ ЯХШИЛИККА ОЛИБ КЕЛМАЙДИ

19.

«ҲАММА НАРСАГА ЕТГАН АҚЛИНГИЗ...»



5.

МАҚТОВ ВА ОЛҚИШЛАР БИЛАН НИМАГА ЭРИШАМИЗ?



23.

ЎЗБЕК ТИЛИ ФАҚАТ ЗИЁЛИЛАРГА КЕРАКМИ?



24.

МУАММО — ИЖРО, СИФАТ, ТАРТИБ-ИНТИЗОМ, МАСЪУЛИЯТДА

«Камчилик жуда кўп, лекин бизга катта вақт керак. Онгли равишда ватанни севиш, ватанга хизмат қилиш керак. Албатта, ўнқир-чўнқир бўлганидек, ҳамма соҳада бирданига ҳаммасини тузатиб бўлмайди. Бир кунда Президент қарори билан ҳаммаси зўр бўлганда эди, ҳар куни қарор қабул қилардим. Минг афсус, қарор қабул қилиб, орқасидан ўзим юришим керак. Чунки мени ижро, сифат, тартиб-интизом, масъулият қийнайди».

Бу — Президент Шавкат Мирзиёевнинг Учтепа туманига ташрифи чоғида журналистлар билан бўлган суҳбатида билдирган фикрларидан иқтибос.

Вазир ёки ҳоким ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини тушунмаса...

Дарҳақиқат, тартиб-интизом ҳар жойда зарур. Зеро, эзгу мақсадларга ҳам, юксак самарадорликка ҳам тартиб-интизом туфайлигина эришиш мумкин. Шу боис катта ёшдагилар болаликдан онгу шууримизга: «Тартибли, интизомли бўл, айтилган вазифани вақтида бажар, шунда ҳамма ишинг бароридан келадиган», дея масъуллик ҳиссини сингдиришган. Агар масалани давлат миқёсида оладиган бўлсак, кунда-кунора мамлакат тараққиёти, оддий одамлар тақдири, ҳаёти, фаровонлигига бевосита

дахлдор қарорлар қабул қилинади. Бу ҳужжатлар қанчалик ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканига эса кундалик турмушимиздаги ўзгаришлар мисолида ўзимиз ҳам бевосита гувоҳ бўляпмиз.

Қарор-фармонлар мазмун-моҳиятида улкан мақсад ва ғоялар илгари сурилган, албатта. **Аммо ўз-ўзидан савол туғилади:** ушбу ҳужжатларнинг ҳаммаси ҳам амалиётда тўғри қўлланиляптими? Уларнинг ижро этиш самарадорлиги қандай? Жараёнда қандай муаммоларга дуч келинапти? Бу саволларга юз фоиз ижобий жавоб бериш мушкул. Чунки қоғозда қолиб кетаётган ҳужжатлар ҳам йўқ эмас. Улар тегишли идора ва ташкилотларга етиб борапти-ю, ижрога келганда унга панжа орасидан қараш ҳолатлари кузатилмоқда. Бу ижро тизимидаги айрим кемтикликлар билан боғлиқ.



Хусусан, ҳужжатларнинг ҳаётга татбиқ этилишига айрим мутасадди идоралар ўзибўларчилик қабилада ёндашмоқда, ижрога қаратилган чоратadbирлар ханузгача талаб даражасида йўлга қўйилмаяпти, уддаланмаган ишни бажарилди, дея кўзбўямачилик қилиш ҳолатлари учраётир. Шунингдек, Президент қарорлари ва топшириқларига риоя этиш масалаларида ҳам масъулиятсизлик ва расмиятчилик кўзга ташланмоқда, жамоатчилик назоратини ташкил этиш учун зарур шароитлар яратилмаяпти.

Ачинарлиси, бу камчиликлар у ёки бу орган фаолиятини назорат қилувчи идоралар томонидан **текширилган пайтадагина** аниқланади. Албатта, текширишлар якунида камчиликлар бартараф қилиниб, ҳужжат ижросини тўғри йўлга қўйиш ҳақида зарурий кўрсатмалар берилади. Аммо бу орада энг қимматли нарсалар — **вақт ҳамда одамларнинг ишончи йўқо-тилади.**

Яна бир гап. Аксарият ҳолларда айрим мутасаддилар топшириқларнинг асл мазмун-моҳиятини тушуниб етмаётгани, уни ижро этишда ҳар хил ёндашувлардан фойдаланаётгани кўзга ташланади. Қизиқ, вазир ёки ҳоким қо-

нуннинг мазмун-моҳиятини тушунмаса, англаб етмаса, уни ҳаётга татбиқ этишда жонбозлик кўрсатмаса, ишрога олднингга юрадими? Одамларда ташаббус уйғонадими? Ахир ҳужжатлар қанчалик аҳамиятли бўлмасин, ижроси ўз вақтида ҳамда самарали тарзда таъминланмас экан, унинг муҳимлик даражаси ҳам юқори бўлмаслиги кундек равшан-ку?

Қачон ҳокимлар ойма-ой ҳисобот беради?

Ижро этилмаган қонун чиқарилмаган қонундан зарарлироқ. Чунки ижро этилмаган ҳужжатлар жамиятда ҳуқуқий нигилизмни авж олдиради. Хўш, бу ўринда нима қилмоқ керак? Энг аввало, жойларда таъсирчан парламент назорати йўлга қўйилиши керак. Бунинг учун, албатта, депутатлар ҳам ўз ваколатидан тўғри ва қонуни фойдалана олиши керак. Шунчаки қўл кўтариб тасдиқлашнинг биладиган айрим «халқ вакиллари» ҳам бунда фаоллашиши керак.

Шунингдек, туман, шаҳар, вилоят ҳокимлари, вазирлар ҳар ойда бир марта Президент ҳужжатлари ижроси бўйича брифинг ўтказиб, ҳисобот бериб бориши зарур. Очиги, бу ҳақда Президентимиз 2020 йил 26 май

санасида ўтказилган видеоселектор йиғилишида таъкидлаган эди, бироқ, афсуски, жойларда айна масалада ҳам камчиликлар бисёр. Ҳар ҳолда, ойма-ой ҳисобот бераётган раҳбарларни кўп ҳам кўраётганимиз йўқ.

Президентимиз Олий Мажлис палаталарига йўллаган Мурожаатномасида Адлия вазирлиги зиммасига **«Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда»**, деган мавзуда туркум кўрсатув ва чиқишлар ташкил этиш, халқимизга ишрога олднингга юрадими? Одамларда ташаббус уйғонадими? Ахир ҳужжатлар қанчалик аҳамиятли бўлмасин, ижроси ўз вақтида ҳамда самарали тарзда таъминланмас экан, унинг муҳимлик даражаси ҳам юқори бўлмаслиги кундек равшан-ку?

Умуман олганда, энди «бажарамиз — бажарамиз» деган қуруқ сафсата билан иш битмайди. Мамлакат тараққиёти, инсонлар тақдирига дахлдор бўлган, оддий одамларни ҳаётдан рози қилишга қаратилган фармон қарорлар, топшириқларнинг ижросига панжа орасидан қараб, ўзибўларчилик кайфиятида юришдек иллатларга чек қўйиш зарур. Қайси раҳбар шуни тўғри тушунса, албатта, у бошқараётган тармоқда, ҳудудда самара, натижа бўлади. Ким бунинг тушунмаса, яхшиси, у ўз ўрнини бўшатиб қўйгани маъқул. Чунки нафақат ёшлар, балки замон ҳам энди бундай раҳбарларни қабул қилмайди.

Санжар ИСМАТОВ.

Менда савол бор... ?

«БИР ОЙЛИК АРМИЯ»: 27 ёшдан ошиб кетса, пул қайтариладими?

— «Бир ойлик армия» учун пул тўланганидан кейин қанча вақт давомида хизматга бориш мажбурий ҳисобланади? Пул тўлаб қўйилганидан кейин ёши 27 дан ошиб кетса, тўланган пул қайтариладими?

Носир РАСУЛОВ. Қашқадарё вилояти.

Баҳром ЗУЛФИҚОРОВ, Мудофаа вазирлиги ахборот хизмати раҳбари:

— «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасида фуқаролар СЧР хизматини 18 ёшдан 27 ёшга қадар ўташлари белгилаб қўйилган. Шунга мувофиқ, СЧР пул бадалини тўлиқ тўлаган фуқаролар 27 ёшга тўлгунга қадар ойлик ҳарбий йиғинга жалб этилади. Пул бадалларини

тўлаган, бироқ ҳарбий йиғинлардан ўтмаган сафарбарлик чақирувчи резерви хизматчисига тўланган маблағлар, агар у ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилганда ва унга тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси (ТМЭК) томонидан 27 ёшгача I, II ёки III гуруҳ ногиронлиги берилган ҳолатда ёки вафот этган тақдирда тўланган пул бадаллари белгиланган тартибда қайтариб берилади. Бошқа ҳолатларда Маҳсус ҳисоб рақамга ўтказилган пул бадаллари қайтариб берилмайди.

Бугун Президентимиз ҳудудларга ташрифи давомида одамлар билан суҳбатлашиб, уларни қийнаётган муаммоларга ечим топишда ташаббускор бўлмоқда. Энг чекка маҳаллалар, кўчалар ва уларда яшаётган одамларнинг кўп йиллик орзуси ушалмоқда.

ЭЪТИРОЗДАН БАРЧА ХУЛОСА ЧИҚАРИШИ ЗАРУР

Мисол учун, Наманган вилоятига ташрифлари давомида «Бунёдкор» маҳалласи муаммоси Президент эътирозидан кейин ҳал бўлди. Деярли ҳозир ҳам вилоятнинг барча раҳбарлари шу ҳудудни ободонлаштиришга сафарбар этилган. Ҳатто вилоят ҳоқими вақтинчалик уй қуриб, шу маҳаллага кўчиб ўтди.

Ёки жорий йилнинг 14 май куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида бўлиб, ушбу шифо масканида даволанаётган бола-жонлар ҳолидан хабар олди.

Давлатимиз раҳбари

билан учрашган бемор кизлардан бири, Чуст туманидаги Олмос қишлоғидан бўлган Сабрина Инсофалиева онлайн дарсларга қатнаша олмаётганини айтган эди. 17 ёшли Сабринанинг истагини бажо келтириш мақсадида маҳаллий ҳокимлик мутасаддилари марказга беморни йўқлаб борди. Сабринага Наманган вилояти ҳокимининг совғаси – замонавий ноутбук ва бошқа ҳадялар топширилди. Энди у сабоқларни онлайн давом эттирадиган бўлди.

Бошқа вилоят ҳокимлари ҳам ўз ҳудудидаги онкологик касалхоналарга бориб, беморлар ҳолидан хабар олишди.

Бу, албатта, яхши



янгилик. Давлат раҳбарининг мана шундай ташрифи якунидаги ташаббуслари халқимизда эртанги кунга ишонч уйғотмоқда. Улар Президент ташрифидан кейинги ўзгаришларни интиқиб кутадиغان бўлиб қолди.

Аммо масалани бошқа жиҳатдан таҳлил қилсак, саволлар туғилади. Нима учун бирор шахс-

нинг муаммоси айнан Президент айтгандан кейингина ҳал бўлиши керак? Нима учун қайсидир маҳалладаги камчилик Президент айтсагина тўғрилиши лозим? Энг асосийси, нега фақат Президент айтган ва кўрсатган манзил ёки одамлар муаммоси ечилади, холос. Ахир ўша вилоят, шаҳарда худди шу каби муаммо билан қийнаёт-

ган яна қанча маҳалла, кўча, одамлар ҳам борку! Уларнинг айби нима?

Шу томондан ёндашсак, бир ҳудуд ёки бир шахс муаммосини ҳал этиш орқали умуммуаммога ечим топиб бўлмайди. Аксинча, Президент билдирган эътироз асосида раҳбарлар, депутатлар барча учун фойдали бўладиган, шу каби муаммога дуч келган одамларнинг оғирини енгил қиладиган қонунлар ишлаб чиқиши, янги механизмларни ишга солиши тўғри бўлади.

Масалан, бугун Сабрина каби бемор болалар республика миқёсида яна ўнлаб топилди. Ёки Наманган шаҳридаги «Бунёдкор»

маҳалласидаги каби йўл, ичимлик суви, боғча муаммосини ҳал эта олмаётган маҳаллалар оз эмас. Уларнинг ҳар бирига Президент ташриф буюриши ва тақлиф бериши имконсиз. Шундай экан, умуммуаммони ўрганиш, уни ҳал этувчи механизм ишлаб чиқиш энг тўғри йўл ҳисобланади.

Биз бу фикрлар орқали юқоридаги амалий ишларни олқишлаймиз. Фақат Президент эътирози ордидан айнан ўша манзил ёки шахснинг муаммоси эмас, балки ҳудуддаги шу каби барча муаммоларга тенг ечим топилса, янада яхши бўларди.

Тўлқин ШЕРНАЕВ.

БОР ГАП

ХОТИН-ҚИЗЛАР БАНДЛИГИ ҚАЧОН ТАЪМИНЛАНАДИ?

Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг маълум қилишича, ҳозирда 480 мингдан зиёд ўзбекистонлик аёллар хорижда вақтинчалик меҳнат фаолияти билан шуғулланмоқда.

Аниқ тасаввурга эга бўлиш учун бир маҳалла мисолидаги рақамларга юзланамиз.

Тошкент вилояти Янгийўл шаҳридаги «Бахт» маҳалласида истиқомат қилаётган 60 нафардан зиёд хотин-қиз хорижга ишлаш учун кетган. Бекобод туманидаги «Қолғансир» маҳалласидаги 80 фоиз хотин-қиз эса мавсумий иш билан банд. Мен истиқомат қилаётган қишлоқдаги аёлларнинг аксарияти эса пойтахтга қатнаб ишлайди.

Мисол келтираман, десангиз, унинг охири кўринмайди. Хотин-қизларимизнинг нозик елкасига оғир меҳнатни олаётгани бир қийнаса, у оналик қилиши, тарбияси билан шуғулланиши, меҳр бериши керак бўлган фарзандларининг тақдири минг куюнтиради. Ваҳоланки, аёллар манфаатларини таъминлаш, жамият ҳаётидаги ўрнини

мустаҳкамлаш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида белгиланган.

Охириги тўрт йилда бу борада нечта қонун, нечта Президент фармони ва қарори қабул қилинмади, дейсиз? Биринчи марта Олий Мажлис Сенатида Хотин-қизлар ва гендер тенглиги масалалари бўйича қўмита ташкил этилди. Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва манзилли ҳал этиш мақсадида эса «Аёллар дафтари» амалиёти йўлга қўйилди.

Жорий йил бошидаги маълумотларга кўра, мазкур дафтарга кўриб кўрилганларнинг 253 минг нафари – ишсиз хотин-қизлар. Тўғри, масъуллар уларнинг муаммоларини биринкетин ҳал этишаётгандир. Аммо негадир амалда натижа кам кўзга ташланяпти. Ҳар ҳолда маҳалламиздаги мен билган 10 нафар хотин-қиз ўшанда ҳам,

ҳозир ҳам ишсиз.

Давлат раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида Республика хотин-қизлар жамоатчилиги кенгаши ташкил этиш таклифини билдирган эди. Ниҳоят, Президентнинг жорий йил 5 мартдаги «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан Республика хотин-қизлар жамоатчилиги кенгаши ташкил этилди.

Жамоатчилик кенгаши чиндан ҳам тузилдими, амалда ҳаракат бошладими? Сенат матбуот хизматининг маълум қилишича, кенгаш иш бошлаган. Ҳақиқатдан ҳам расмий сайтда кенгаш фаолиятига оид ҳужжатлар келтирилган. **Бироқ** кенгаш нималар қилди, деган саволга қониқарли жавоб топа олмадик. Чунки сайтда кенгаш учун ажратилган алоҳида саҳифада иккита йиғилиш ҳақида маълумот келтирилган,

холос. Улар билан таъминлаш: шунда кенгаш фақат йиғилишлар ўтказиш учун тузилган экан-да, деган хулосага келасан, киши.

Кенгаш олдига кенг қамровли вазифалар қўйилган. Ижроси учун бириктирилган масъуллар ҳам ҳаракатдадир, балки! Фақат биз маълумотлар ахтариш жараёнида бунга гувоҳ бўлолмадик. Балки кенгаш қоғоз учун эмас, амалий натижалар учун меҳнат қилаётгандир, дея муқояса ясадик ўзимиз учун.

Аммо қанчайин хастпўшламайлик, бу кўнглимизга хотиржамлик бермади. Чет элда ишлаётган опсингилларимизнинг тақдири не кечаётгани, уларнинг фарзандлари келажаги масаласи бизни тинч қўймапти. Ахир, ҳар ким бахтли, оилавий тўлиқ муҳитда яшашга ҳақли. Бунинг учун эса бизга қоғозда эмас, амалий, аниқ натижа бера оладиган тузилмалар керак.

Очиғини айтиш керак, бугун бир-бирини вазифавий такрор-

ловчи ташкилотлар кўп. Чунончи, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш билан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирликлари, қолаверса, юқорида тилга олинган Кенгаш, турли ишчи гуруҳлар шуғулланади.

Ҳамма чумолидек ёпирилса-да, муаммо ечим топмайди? Нега? Боиси ҳамма ўзи билганни иш тутуди, бирон ҳисобот йиғилишида яхши рақам келтириш йўллари излайди. Қарабсизки, бугун бир ташкилот келиб ишсиз хотин-қизлар бандлигини таъминлаган ҳудудга, эртасига бошқаси келади. Қилинган иш ҳар иккисининг ҳисоботида аксланади. Натижада ҳаммаёқ қоғозда «гулзор»га, «муаммолардан холи ҳудуд»га айланади-қолади.

Юқоридаги Президент қарорининг 3-иловасига назар солсангиз, барчасига ўзингиз гувоҳ бўласиз. Қарор лойиҳасини ишлаб чиқаётган масъуллар наҳот шу жиҳатга эътибор қаратишмаган.

Табиики, ҳамма масъул бўлган вазифани ҳар ким билган йўриғига тортади. Ҳар томондан тортқиланган арава эса ҳеч қаерга жилмайди. Хотин-қизлар ишсизлиги муаммосини ҳал этишни мен айтишга ўхшатаман. Ҳамма масъул, лекин ҳеч натижа йўқ.

Фикримча, хотин-қизлар билан боғлиқ ишларнинг ҳар бирига алоҳида ташкилотлар масъул бўлиши керак: хотин-қизлар бандлигини таъминлашга фақат Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги жавоб берсин. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги эса уларнинг ижтимоий ҳимояси, психологик, руҳий ҳолатига эътибор қаратсин. Юқорида келтирганимиз Кенгаш аёлларнинг тадбиркорлигини ривожлантириш, имтиёзли кредитлар ажратиш қабиларда бош қотирсин ва ҳоказо. Балки шунда ҳақиқатдан ҳам бирон натижага эришармиз.

Садоқат
МАХСУМОВА.

УЛАРНИ ОНА ТУҒМАГАН...

«Уларни ҳам она туққандир, она туққандир?..» дея бутун республикага зорланди зўрланган келинчакнинг онаси касалхона ҳовлисида журналистларга берган интервьюсида. Йўқ, уларни она туғмаган, она...



Хуллас, ўтган — байрам ҳафтаси қўрқинчли шов-шув билан якунланди. Муслмонлар учун муқаддас Рамазон Ҳайити байрами кунни Андижонда беш нафар (ҳозирда олтинчи шахсга ҳам жиноий иш очилгани тўғрисида хабарлар тарқалди) ваҳший спиртли ичимлик таъсирида беш ойлик, ҳомиладор келинчакни зўрлаган. Маълум бўлишича, фермер хўжалиги дала шийпони ёнидаги ариққа идишларни ювиш учун чиққан 19 ёшли келинчак қўшни шийпонда

маишат қилаётганларнинг эътиборини тортади. Икки киши шийпондан узоқдаги яйловда қўй боқаётган куёвни чалғитиш учун кетади.

Қолганлар вақтдан фойдаланиб, келинни аввал ташқарида, кейин товук катакда, шийпон ичида икки соат давомида номусига тегишади. Бечоранинг қўллари қармоқ ипи — «жилка» билан боғланади. Ажриқлар устида думалатишади, судрашади. Ўлдириш, бақирса, бировга айтса, яқинларини чавақлаш билан қўрқити-

шади. Хўрлашнинг барча усулларини қўллашади. Тарқалган хабар жамиятнинг ғазабини кўзғатади. Одамлар жиноятчиларга ўта жиддий жазо қўллаши кераклигини таъкидлади. Аммо шунга қарамай, жиноятни амалга оширгани айтилаётган шахслар қўйиб юборилгани, ташқарида югани тўғрисида гаплар тарқалди. Бу хабарларни хўрланган келинчакнинг амма-халалари, яқинлари ҳам тасдиқлашган.

Шундан сўнг, уларнинг барчаси устидан жиноий иш

очилгани тўғрисида Бош прокуратура маълумот берди. Масаланинг бир жиҳати, айбланувчиларнинг бир муддат ташқарига, очикқа қўйиб юборилгани бўляпти. ИИБ 3 сутка ҳам уларни ушлаб тура олмагани қаттиқ қораланмоқда. Айбланувчилар бемалол ўз ишлари билан шуғулланиб юришгани айтиляпти. Тасаввур қилинг, бу вақт ичида куёв ёки келиннинг қариндошлари «самосуд» бошлаб қолишса, нима бўларди? Зўравонларни бир-икки мушт урганида-чи? Албатта, зўравон тарафда қарши даъво қўзғаш, шунинг эвазига кейинчалик келишувга эришиш имкони туғилган бўларди. Яхшики, жабрланувчи тараф бундай «имконият»га алданмаган. Қонуний жазо қўлланишини сўраб турибди. Аммо оила эркакларини вазминликда сақлаш қийин бўлаётгани аён.

Бизнингча ҳам, аёлларни зўравонликдан асраш, ҳуқуқларини ҳимоя қилишда стандарт процедуралар тўғри ишламаяпти. Уларга амал қилиш (агар улар, умуман, ишлаб чиқилган бўлса) етарлича эмас. Бу каби вазиятларда маҳалла раиси, ҳудуд нозири, ҳокимлик, тиббиёт муассасалари, ҳатто Бош прокуратураю бошқалар ўзларини қандай тутишлари тўғрисида мукамал режа ишлаб чиқилиши керак. Бу режа жамоатчиликка эълон қилиниши шарт. Шунда ким ўз вазифасини тўлиқ бажаряпти ёки панжа орасидан қараётганини аниқлаш осон бўлади. Юқоридаги каби чалкаш саволлар жамоатчиликни жумбушга келтирмайди.

Ишонамизки, юқоридаги жиноятда айбдорлар тегишли қонуний жазосини олади.

**Комрон
ТУРҒУНОВ.**

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

ЁШЛАРГА МУОМАЛА МАДАНИЯТИНИ ЎРГАТАЙЛИК

Маҳалламизда 3600 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Асосий тирикчилик — деҳқончилик ва косибчиликдан. Одамларимиз уй шароитида бежирим оёқ кийимлар тикиб, Фарғона, Қўқон, Марғилон ва бошқа водийнинг йирик шаҳарлари, пойтахтга етказиб беради.

Тўғриси, улар тиккан эркаклар ва болалар туфлилари, аёллар шиппакларининг сифати ва дизайни чет элнинг фирмасиникидан қолишмайди. Юқоридагилар боис ҳудудимизда ишсизлик кам. Аҳолининг асосий қисми ўзини ўзи банд қилган. Меҳнат миграцияси ҳам бошқаларга нисбатан паст даражада.

Жиноятчилик масаласида муаммоларимиз бор эди. Аввал биз шу масалада «қизил ҳудуд»

ҳисобланганмиз. Шукрки, жорий йил бу маломатдан қутилдик. Ҳозирча бирорта жиноят кузатилмади. Тарғибот ишларини билан ҳамкорликда тартибли олиб бормоқдамиз.

Ажралишлар масаласида ҳам ўтган йиллар анча муаммолар чиққан. Бир нечта оила арзимас сабаблар билан ажралиб кетишган. Ҳозир муаммоли оилаларнинг барчасига масъулларни бириктирганмиз. Ишга жойлаштириш,

болаларнинг ўқиши, тарбиясига ўшалар бош-қош бўлишяпти.

Таклифлар масаласига келсак. Мактабларда «муомала маданияти» дарсини жорий қилиш керак, деб ҳисоблайман. Майли, дарсини маҳаллалардаги зиёли, кекса ёшдаги фуқароларимиз жамоатчилик асосида ҳам ўтиб беришади. Очиғи, ўсиб келаётган авлоднинг муомала маданияти жуда пасайиб кетмоқда. Кўпчилиги жамоада ўзини қандай тутишни билмайди.



**Лочинбек МУСАЕВ,
Қўштепа туманидаги «Истиқлол»
маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

Ғалати ўхшовсиз қилиқлар, гапларни гапиришади. Ҳатто маъракаларда қиқирлаб кулаётган ёшларни кўряпман. Улар тарбияни фақат

телефон ва интернетдан олишяпти. Аммо тарбия фақат ва фақат инсонга инсон томонидан юқтириладиган хислатдир. Интернетдан эмас.

«Шаҳидлар хиёбони» майдонида амфитеатр, кафе ва дўконлар куриш бўйича бошланган мунозараларда ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари жуда кўп эътирозлар билдирди. Шундан сўнг Қурилиш вазири кўп яхши гап айтди.

«ҲАММА НАРСАГА ЕТГАН АҚЛИНГИЗ...»



Қутлуғ Рамазон кунларида айтилган бу гаплар ўз исботини топади, деган фикрдимиз. «Мақсад – шаҳид боболаримизнинг руҳини шод, мажмуани обод қилиш», жуда яхши, барчанинг кўнглидаги гап. Фақат аждодларнинг хоки ётган ва мазористон саналган жойларда, бизнингча, дунёнинг бирор халқи

велопрокат, амфитеатр очиб қий-чувлару виз-виз велосипед учишларга, автоларнинг тинимсиз кириб-чиқишларига, мусиқаю бошқа чиқишлар ташкил этилишига йўл қўймайди. Шаҳидлар руҳи уларнинг қутлуғ хотираларини эҳтиром билан эслаш, тиловат дуолар билан охира-лари ободлигини сўраш

орқали шод этилади. Зеро, уларга бошқа ҳеч нарса керак эмас. Бизнинг маънавий эҳтиромимиз, чин дилдан қилинадиган дуоларимиз, Қуръон тиловатларидан кечасию кундузи умидвор бўлиб ётган азизлар руҳларини велосипед ҳайдаган ёшларнинг овози, бақир-чақирлари, автолар овозию

сигналлари билан бевозта қилишга журъат этишнинг ўзи... юмшоқ қилиб айтганда, тирик инсоннинг ўзи ҳам бу дунёда омонат, ғанимат ва ҳаёти ўткинчи эканидан беҳабарлигидан далолатга ўхшайди.

«...мажмуани обод қилиш» ҳақидаги фикр ҳам жуда ўринли. Аммо ҳар қандай манзилнинг ободлиги унинг мақсади, нимага хизмат қилиши, тарихига доир қурилишлар билан белгиланади. Айтайлик, одамлар истироҳат учун келадиган сайилгоҳга дафн маросимлари билан боғлиқ идора ва анжомлар жойлаштирилмагани каби, аждодларнинг мангу хобгоҳларига наинки велосипед учиб мусиқа қўйишлар, балки қаттиқроқ қадам босиб кириш ҳам одобсиз-

лик, маданиятсизлик, аждодларга ҳурматсизликдир.

«Лойиҳани муҳокамага қўямиз, агар қарама-қаршиликлар бўлса, уни ҳам кўриб чиқамиз» – албатта, кўпчиликнинг фикри, розилиги билан бўлган ишлар хайрли, Аллоҳ розилигидан умидворликдир. Аммо шу ўринда «Ўтган кунлар»даги Юсуфбек ҳожининг Отабекка қарата: «Ҳамма нарсага етган ақлингиз...» деган лутфи ёдга тушди.

Қолаверса, бобою момоларимиз, ота-оналаримиз ақлимизни таний бошлаганимиздан ҳар доим такрор-такрор айтиб, онгимизга сингдирган ҳикматли бурчларимиздан бири – аждодлар мангу қўним топган жойларда уларни осойишта қалб билан эслаш, яхши иш-

ларини хотирлаш, чин дунёлари ободлигини сўраб дуою фотиҳада бўлиш. Бу жойларнинг ободлиги – озодалиги, тартиблилиги, гуллару дарахтлардан, оқар сувлардан файзиёблиги, дафн этилганларнинг хайрли ишларидан хабар берувчи ёдгорликлар билан белгиланади. Ёшларни ўтмишимиз, тарихимиз, Аллоҳ раҳмати аждодларимизга ҳурмат ва катта авлод бошлаган қутлуғ ишларни садоқат билан давом эттирувчилар сифатида тарбиялаш – бурчимиз. Биз, катталар, ўзимиз кўра-била туриб, ўғил-қизларимизни шаҳидлар ётган манзилга номуносиб хатти-ҳаракатлар қилишларига йўл очиб бермайлик.

Муҳтарам
УЛУҒОВА.

МОҲИЯТ

ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНАДИ

Пойтахтдан воҳа томон юрсангиз, катта йўл ёнларида савдо дўконлари, тамадхоналар кўп. Бироқ ҳожатхона, вақтинча дам олиш жойлари, автосервис хизматлари, намозхона, сартарошхона каби зарур хизматлар етарли даражада эмас.

Умуман, хизмат кўрсатиш соҳаларининг барча тармоқларини кўнгилдагидек, деб бўлмайди. Айниқса, чекка ҳудудлардаги деҳқон, буюм ва чорва моллари бозорларидаги тартиб, шарт-шароит, санитария ҳолати умуман талабга жавоб бермайди. Қолаверса, хизмат кўрсатиш сифати ва ривож ҳам кўнгилдагидек эмас.

Шу боис Президентимизнинг 2021 йил 11 майдаги «Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор билан 2021 йил 1 июлдан республика ҳудудларида хизматлар соҳасининг ривожланганлиги рейтинги жорий этилиб,

«BUSINESS INDICATOR» автоматлаштирилган онлайн ахборот тизимида эълон қилинади. Бунда ҳар ярим йилда тегишли ташкилотлар раҳбарлари, ҳокимларнинг фаолияти баҳолашиб, натижалари бўйича ижобий кўрсаткичга эга бўлганлари – **рағбатлантирилади**, қониқарсиз кўрсаткичга эгалари – **интизомий жавобгарликка тортилади**.

Қарорга кўра, 2021-2023 йилларда Ўзбекистонда хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб, 2023 йилга қадар хизматлар ҳажмини икки бараварга ошириш ҳамда аҳолини касбга ўқитишдан тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишгача бўлган босқичларни

қамраб олувчи «комплекс хизматлар» кўрсатишни ташкил этиш белгиланмоқда.

Ушбу ҳужжат билан ҳудудлардаги аҳолининг ҳам маданий ҳордиқ чиқариши учун зарур шароитлар яратилмоқда. Гап шундаки, 2021 йил 1 сентябрга қадар йирик шаҳарларда, вилоят ва туман марказларида ташаббускор тадбиркорлар билан ҳамкорликда савдо ва кўнгилочар кўчалар ташкил этилади. Уларда кўчма савдо объектлари учун жойлар тадбиркорларга электрон онлайн-аукцион асосида сотилади. Барча тадбиркорларга жамоат хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда 24 соат мобайнида туну кун фаолият юритиш

ҳуқуқи берилади.

Қарор билан юқорида таъкидлаган, йўл бўйларидagi хизмат кўрсатиш муаммолари ҳам ҳал этилиши мумкин. Негаки, божхона постлари ҳудудидаги бўш ер участкалари йўл-патруль хизмати постлари ҳудудидаги ер участкалари тадбиркорларга савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини барпо этиш учун ажратилмоқда.

Шунингдек, туман ва шаҳар марказларида кўримсиз, қаровсиз қолган деҳқон бозорлари ўрнида замонавий деҳқон бозори ва савдо комплекслари қад ростлайди. Улар маҳаллий давлат ҳокимиятлари томонидан эмас, балки тадбиркорлар томонидан қури-

лади. Бунда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари кўмаклашади.

Яна бир янгилик. 2021 йил 1 сентябрдан масофавий (онлайн) таълимга асосланган нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш учун мулккий ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида биноларнинг мавжуд бўлиши ҳақида талаб бекор қилинади.

Демак, барчаси тадбиркорларга, маҳаллий ҳокимият вакилларига боғлиқ. Ушбу ҳужжат ижроси ҳам амалда бўй кўрсатса, хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланиб, аҳоли учун қатор қулайликлар яратилади.

Достон РУСТАМОВ.

БОЗОР ТАРТИБГА СОЛМАГАН МАСАЛАНИ КОРРУПЦИЯ «ТАРТИБГА СОЛАДИ»

12 май куни давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида сўнги 3 йилда ҳудудий дастурлар доирасида 16 триллион сўмлик кредит ҳисобига амалга оширилган 4,2 мингта лойиҳанинг 50 фоизи, жорий йилдаги 11,5 триллион сўмлик 2,6 мингта лойиҳа бўйича эса 80 фоиз пул тушумлари банкдан ташқарида айланаётгани қайд этилди.



«Демак, бу лойиҳалар фақатгина кредит олиш мақсадида, «кўзбўямачилик» учун амалга ошириляпти, корхоналар солиқ тўламасдан ишляпти, дегани эмасми? Агар бу пул банкка қайтса, қанча имконият кўпаяди», — деди давлат раҳбари.

Дарҳақиқат, дастурлар доирасида берилаётган кредитлар имтиёзли саналади. Демакки, уларнинг фоизи ҳам бошқа кредит турлариникидан паст бўлади. Лекин бу ўринда тижорат банкларини тегишли тартибда ресурс билан таъминламай туриб ёки фоиз йўқотишларини қопламасдан, имтиёзли кредитлашни йўлга қўйиш ҳар доим дефицитни келтириб чиқараверади. Дефицит бошланган

жойда эса коррупция элементлари пайдо бўлмаслиги мумкин эмас, чунки **бозор тартибга солмаган масалани коррупция «тартибга солади».**

Қолаверса, тижорат банклари, айниқса, нодавлат тижорат банклари ўз ихтиёридан ташқари ҳолда, яъни юқоридан тушган «режани бажариш» учун имтиёзли ва арзон кредит бериш ортидан пайдо бўлган йўқотишларни ҳар доим бошқа тоифа қарздорлар — тижорий кредитлар фоизларини ошириш ҳисобидан чиқариб олиш йўлини туттишди. Бошқача айтганда, масалан, тижорат банки қайсидир имтиёзли тоифага 14 фоиздан — қайта молиялаш ставкасидан кредит бердимми,

бунинг йўқотишини бошқа бир тоифага камида 22 фоиздан кредит бериш билангина қоплаши мумкин. Агар имтиёзлар бўлмаганда эди, тижорат банки ҳар икки мижозига — талаб ва таклифга қараб, масалан, 17-18 фоиздан кредит маҳсулотини таклиф этиши ва бу маҳсулотлари хажмини, ўз-ўзидан даромадларини ҳам, янада оширишга рағбат олиши мумкин бўларди.

Нима қилмоқ керак? Биринчидан, давлат ва Марказий банк тижорат банкларининг кредит маҳсулотлари бўйича фоиз ставкаларини чеклаш ва ўрнатиш, имтиёзли кредитларнинг «юки»ни тижорат банклари зиммасига ортиш амалиётидан воз кечмоғи лозим. Чунки имтиёзли кредитларнинг иқтисодиётимизга етказаетган билвосита зарари, шартли равишда айтганда, шу пайтгача «конвертация» муаммоси — расмий курс ва «қора бозор» курси етказган жабрдан кам эмас.

Хурсанд қила-

диган жиҳат шундаки, тадбиркорлик субъектларининг тижорат банкларидан олган кредитлари фоизларини қисман қоплаб бериш амалиёти йўлга қўйилган. Яъни ҳукумат бизнеснинг қатор шакллари ва бизнес лойиҳаларни «насия» ва тижорат банклари гарданига «юклатилган» имтиёзлар билан эмас, билвосита компенсация йўли билан қўллаб-қувватлаш йўлини туттиди. Бу бутун дунё тажрибаси, шаффоф йўл. Фақат шу йўл билангина кредит ва фоиз бозорини мувоzanатлаш, имтиёзлар билан бозорга акс таъсир кўрсатишнинг олдини олиш мумкин бўлади.

Буёғига турфа жисмоний шахс қарздорлар, масалан, талабалар, ёш оила-лар, аёллар ва бошқаларга ҳам турли йилларда ва турли сабабларга кўра, «қайта молиялаш ставкасидан ошмаган», «қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан ошмаган» каби кўринишда тақдим этилган им-

тиёзлардан ҳам воз кечиш ҳақида чуқурроқ таҳлил қилиш керак бўлади.

Энди ҳеч кимни шахсан айбламай, масалага танқидий ёндашсак, аслида бозор ва шаффофлик йўқлиги учун имтиёзли кредитларга имтиёзга «дос-туп» қила оладиганлар эга чиқмаяптими? Шундай экан, ўзига хосликдан воз кечиш, барча тараққий этган мамлакатлар тутган йўлдан юриш, «отанг бозор, онанг бозор» принципларига қайтиш тўғри эмасми? Албатта, бу билан кам таъминланган, ёрдамга муҳтож қатламларга кўмак беришдан воз кечиш таклиф этилмаяпти. Асло! Лекин бу ёрдам, худди юқорида қайд этилганидек, билвосита амалга оширилиши, балки алоҳида жамғарма ташкил этиш ва тижорат банкларидан олинган кредитлар фоизларини қисман қоплаб бериш йўли билан кўрсатилмоғи афзалроқдек кўринади.

Иброҳим Пўлатов.

ТАЪЛИМ

ЎҚУВЧИЛАРНИ ҚАНДАЙ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ЗАРУР?

Ҳуқуқий таҳлилларга кўра, мактаб ўқувчилари ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар содир бўлишига таълим масканларида давомат масаласига эътибор, ёшларни назоратда тутиш ишлари сусайиб кетгани сабаб бўлмоқда.

Албатта, ёшлар тарбияси алоҳида эътиборни талаб этади. Уларни ўз ҳолига ташлаб қўйилса, ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Аммо ўқитувчилар ўқувчилар устидан тўлиқ назорат ўрната олишадими?

Халқ таълими вазири Шерзод Шерматовнинг маълум қилишича, республика бўйлаб барча мактабларда ўқувчиларнинг муас-сасада бўлиш вақти Face ID тизими орқали назорат қилиниши


режалаштирилмоқда. Бундан ташқари, синф хоналарига овозли камералар ўрнатиш ва уларни ички ишлар органлари томонидан назорат қилинишини йўлга қўйиш кўзда тутилган.

Ҳа, ҳозирги кунда ўқувчилар хулқи, билимларни ўзлаштиришига жиддий қизиқиш зарур. Шу маънода айти шундай чора жудаям керак. Лекин тартиб бироз қаттиқлашиб кетмаганми? Ҳар ҳолда ўқувчи ҳам алоҳида шахс, унинг ҳар бир

қадамни ўлчаш нечоғли тўғри?

Икки йилча олдин мактаблардаги жисмоний тарбия дарслари учун кийим алмаштириш хоналарига видеокамералар ўрнатилиши анча эътирозларга сабаб бўлганди. Бу сафар ҳам ошириб юборилмайдими?

Умуман олганда, ўқувчиларни назорат қилиш керак. Лекин бу тадбир уларнинг эркинлигини чеклаш, мустақил фикрлашига тўсиқ қўйиш, шахсий ҳаётига аралаштиришга олиб келмаслиги ке-



рак. Ахир биз топшириқларни сўзсиз бажарадиган роботларни эмас, кенг дунёқарашли авлодни тарбиялашимиз зарур.

Бир сўз билан айтганда, мазкур масалада атрофлича ўйла-

масдан, пала-партиш иш тутиш яхшиликка олиб келмайди. Келажакда унинг бадалини тўлаш эса бизга қимматга тушиши мумкин.

Илғор ЗАМОНОВ,
блогер.

АСОССИЗ ҚАРЗДОРЛИК ҲИСОБЛАГАНЛАР ҲАМ ЖАВОБГАРСИЗ ҚОЛМАСЛИГИ КЕРАК

Бизнинг жамиятда барча қонунлар фақат давлат манфаати учун хизмат қилади, деган тушунча бор. Бу бир қарашда тўғри ҳам. Нега дейсизми? Агар сиз коммунал, кредит ёки йўл ҳаракати қондаларини бузганлик тўғрисидаги тўловларни ўз вақтида тўлама-сангиз қўшимча пеня тўлаттиришади ёки судга беришади.

Агар давлат сиздан қарздор ёки ноқонуний ҳаракат қилса-чи? Асло, на сизга компенсация тўлашади, на кечирим сўрашади.

Афсуски, бундай муаммолар табиий газ истеъмоли билан боғлиқ ҳолатларда кўп учрамоқда. Ачинарлиси, ушбу оғриқли масаланинг ечими йўқ, ҳар йили такрор ва такрор бўлаверади. Яқинда Сирдарё вилоятида яна шундай ҳолат кузатилди.

Газ таъминоти учун барча тўловларни кечиктирмай ойма-ой, ҳатто олдиндан тўлаб бораётган истеъмолчи хонадонига **1 588 928 сўм қарздорлик хати келди. Албатта, бундан фиғони фалакка чиқди. Яхшиям**,



ҳақ-ҳуқуқини талаб этишни биларкан, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигига мурожаат қилди. Йўқса, шунча маблағни тўлашга мажбур бўларди.

Истеъмолчи А.Р. мурожаати Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигининг Сирдарё вилояти ҳудудий тузилмаси ходимлари томонидан

жойида ўрганилганда истеъмолчига юкланган **1 588 928 сўм қарздорлик қайта ҳисоб-китоб жараёнида асоссизлиги маълум бўлди**. Аксинча, истеъмолчи хонадонни жорий йилнинг **20 апрель ҳолатига табиий газ таъминотидан 22 420 сўм ҳақдорлиги маълум бўлди**.

Қайта қилинган

МАЪЛУМОТ ЎРНИДА:

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 21-моддасида сотувчи (ижрочи) истеъмолчини ҳақ эвазига қўшимча товарлар сотиб олишга ёки қўшимча хизматлардан фойдаланишга қисташга, шунингдек кўрсатилмаган хизматлар учун ҳақ олишга ҳақли эмаслиги белгилаб берилган.

ҳисоб-китоблар ҳам шуни кўрсатди. «Сай-хунободтумангаз» газ таъминоти бўлими томонидан мазкур камчиликлар бартираф этилиб, абонент ҳисоб рақамидан асоссиз қарздорлик олиб ташланди.

Ҳа, ҳали бу аниқлангани. Аиқланмагани, идорама-идора сарсон-саргардон бўлиб юрган истеъмолчилар қанча?! Назаримизда, асоссиз қарздорлик

ҳисоблаганлар ҳам жавобгарсиз қолмаслиги керак. Бундай **ташкilotларни судга бериб, ҳақдор истеъмолчиларга компенсация ундириб бериш тизимини ҳам йўлга қўйиш керак. Шунда ҳар бир ташкilot ходимлари истеъмолчиларга қарздорлик чиқаришдан олдин етти ўлчаб, бир кесади.**

Мақсадбек ҚўЧҚОРОВ.

МУНОСАБАТ

АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИ БЎЙИЧА ТУНУ-КУН НАЗОРАТ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА

Маълумки, телеграм каналимизда «Қўланса ҳиддан қачон қўтиламиз?» сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Тошкент шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси томонидан ушбу материалга тезкор муносабат билдирилди.



Аввал хабар берганимиздек, пойтахтимизнинг Сергели туманидаги айрим маҳаллаларда бадбўй, ёқимсиз ҳид тарқалиши юзасидан мурожаатлар келиб тушган эди. Унга мувофиқ, Тошкент шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси томонидан маҳсус ишчи гуруҳи тузилиб, назорат рейд тадбирлари олиб борилмоқда.

«Салар» тозалаш иншоотининг санитар ҳимоя ҳудудида жойлашган, маҳаллий аҳолининг эътирозларига сабаб бўлаётган мазкур ҳолат юзасидан туну-кун тадбирлар амалга оширилмоқда.

Маълумот ўрнида айтишимиз мумкинки, «Салар» тозалаш иншоотига 533 та корxonанинг ишлаб чиқаришдан ҳосил бўлган оқова сувлари

ташланади. «Тошкент шаҳар сув таъминоти» масъулияти чекланган жамияти томонидан тозалаш иншоотининг технологик жараёнига таъсир қилиб, нохуш ҳидларнинг чиқишига сабаб бўладиган потенциал хавфли 18 та корхона рўйхати тақдим қилинган. Шундан 5 та чарм саноати, 6 та тўқимачилик ва 7 та энгил саноат корхоналарида Ўзбекистон Рес-

публикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича бизнес Омбудсмандан рухсат олиниб, текширув ишлари бошлаб юборилган. Текширув натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида» ги қонуни талаблари бузилиш ҳолатлари аниқланган корхоналарга нисбатан белгиланган тартибда чоралар кўрилади.

Тошкент шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси матбуот хизмати

БИЛАСИЗМИ?

ИШ ҲАҚИ ҲАР ҚАНДАЙ ҲОЛАТДА ТЎЛАНИШИ ШАРТ

Иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар, ходимга бажарган иши учун ҳақни белгиланган меҳнат ҳақи шартларига мувофиқ тўлаши шарт.



Меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари жамoa шартномаси ёки бошқа локал норматив ҳужжатда белгиланади ва ҳар ярим ойда **1 мартдан кам бўлиши мумкин эмас**.

Ҳақ тўланадиган кун дам олиш куни ёки байрам кунига тўғри келиб қолса, меҳнат ҳақи шу кун арафасида тўланади.

Жамoa шартномасида иш берувчининг айби билан ходимга ҳақ тўлаш белгиланган муддатларга нисбатан кечикканлиги учун жавобгарлик назарда тутилиши мумкин.

Яқинда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ижтимоий тармоқларда Тошкент шаҳар 1-сон туғуруқ комплексига ҳомиладор аёлини олиб келган турмуш ўртоғи томонидан суратга олинган видеоматериал бўйича ўз хулосасини берди.

ИНСОН САЛОМАТЛИГИ,

ҲАЁТИ, ҚАДР-ҚИММАТИ БАРЧА НАРСАДАН УСТУН ТУРИШИ КЕРАК

Унга кўра, ўз вазифасига совуққонлик билан қараган тиббиёт ходимлари вазифасидан озод этилган.

Бу ҳақда батафсил тўхталиб ўтмоқчи эмасман. Бироқ вазирлик баёнотидаги баъзи жумлалар эски ярамни янгилаб юборди.

Бундан 9 йил олдин бир ойлик фарзандимнинг танаси сарғайиб, температура қила бошлади. Болалар шифокори бўлиб ишлайдиган кўшнимни чақириб кўрсатгандим, унчалик жиддий эмас, мана шу дориларни олиб келиб ичирсангиз, ўтиб кетади, дея дорилар рўйхатини ёзиб берди.

Бироқ боланинг ҳолати яхшиланмади, шу боис туман поликлиникасига олиб бордим. У ерда ша роит деярли йўқлиги сабаб, пойтахтга олиб келдим. Танишимнинг уйига «Тез тиббий ёрдам» машинасини чақириб, шифохонага олиб бордик. Бироқ

шифокорлар пропискам Тошкент шаҳрида бўлмагани учун болани ётқизолмаслигини айтишди. Минг бор ялиниб, тортишгач, болани ётқизишга эришдик. Афсуски, кеч бўлди, фарзандимнинг миясига қон куйилиб кетди...

Барчаси шундан сўнг бошланди, етти йил фарзандимни пойтахтимиздаги 1-сон болалар шифохонасига ётқизиш даволатиш учун ҳар олти ойда вақтинча прописка машмашалари учун елиб-югурардим. Ўша пайтда прописка деган даҳмаза инсон қадр, саломатлигидан ҳам устун турарди.

Минг афсуски, бу иллат ҳали ҳам бордай. Соғлиқни сақлаш вазирлиги баёнотидаги «... **Аммо аёлнинг алмашув варақасида Янгийўл тумани 69-сон қишлоқ шифокорлик пунктида рўйхатда турганини инобатга олиб, дислокация бўйича Янгийўл тумани туғуруқ комплек-**



сига ёки Тошкент тиббиёт академиясининг 1-клиникасидаги туғуруқ бўлимига бориш тавсия қилинган», деган жумлани ўқиб, наҳотки, ҳали ҳам Ўзбекистон фуқароси ўз ватанида хоҳлаган тиббиёт муассасасидан фойдалана олмаса, деган ўйга толдим.

Бундан қарангки, мазкур масала юзасидан **Соғлиқни сақлаш вазири Абдуҳаким Хаджибаев** туғуруққа ихтисослашган шаҳар ва республика тиббиёт муассасалари бош врачлари

иштирокида тезкор йиғилиш ўтказибди. Унда соғлиқни сақлаш тизимининг халқимиз олдидаги обрўйига путур етказиши мумкин бўлган бундай салбий ҳолатлар кескин танқид қилиниб, бошқа уни такрорланмаслиги бўйича қатъий огоҳлантиришлар берилибди, вазиятга оидлик киритилиб, айбдорларга тегишлича чоралар кўрилибди.

Хусусан, ушбу вазият юзасидан ўзи масъул бўлган йўналишда шундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш чора-

ларини кўрмагани учун **Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлигининг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳамда репродуктив саломатлик бўйича ўринбосари Р.Ҳайтбаева** билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинди.

Тиббиёт муассасасида ушбу қўпол ҳолатга йўл қўйилгани учун мазкур **туғуруқ комплекси бош шифокори Р.Алимжоннова** ҳам эгаллаб турган вазифасидан озод этилди. Шунингдек,

ўз ишига совуққонлик билан қарагани ва ҳомиладор аёлга шошилиш тиббий ёрдам кўрсатмагани учун қатор тиббиёт ходимларига ҳам тегишли чоралар кўрилди.

Вазирликнинг туғуруқ ҳолати бўйича берган маълумотларини ўқиб, шу нарсага амин бўлдимки, вазирдан тортиб, қўйи тизим раҳбарлари ҳам ўз тизимидаги муаммоларни тўлиқ билмайди ёки била туриб кўз юмиб келмоқда. **Йўқса**, янги Ўзбекистонда ўз касбига совуққон, инсон ҳаёти билан боғлиқ шошилиш ёрдамларда «эски тузум» қилиқларини қўллаётган «шифокор»лар қолмаган бўларди. Бунинг учун вақт ҳам, маблағ ҳам етарли даражада бўлди, бироқ ҳамон эски «қилиқ»лар кўзга ташланмоқда.

Назаримда, инсон саломатлиги, ҳаёти, қадр-қиммати барча нарсадан устун туриши керак.

Рустам ЮСУПОВ.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

«МУАММОЛАРНИ, АЛБАТТА, ЁРИТИНГ!»

Маҳалламиз — тадбиркорлар маҳалласи. Деярли барча оила тадбиркорлик билан шуғулланади. Кўрпа-тўшак, чопон, сумка ва шапкалар тикилади, сотувга чиқарилади. Зардўзлик асосида тайёрланадиган чопонлар ҳам бор.

Маҳалламизда тайёрланган маҳсулотлар нафақат вилоятимизда, балки республика бўйича тарқатилади. Бошқа вилоятлардан айнан бизнинг маҳсулотларни харид қилиш учун атайин излаб келишади. Шунингдек, аҳолининг баъзи қисми боғдорчилик билан шуғулланади. Узум ва ундан майиз тайёрлаб сотишни йўлга қўйиб олган. Худудда тўртта йирик тадбиркорлик маскани бор. Бу ерда кичик ишлаб чиқариш цехлари



Улаш ДЎСТОВ, Ургут туманидаги «Андак» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

ташқил этилган. Пайпоқ, кийим-кечак, оёқ кийимлари ишлаб чиқарилади. Битта тадбиркорнинг

ўзи 300 кишини иш билан таъминлаган. Аҳоли иш билан банд бўлгани боис миграция деярли йўқ.

Муаммоларимиз кўп. Барчасини ёзиб чиқаринг. Биронтаси қолиб кетмасин. Йўлларни асфальт қилиш керак. Тоза ичимлик сув йўқ. Битта бўлса-да, болалар боғчаси қуриб берилса, яхши бўларди. 500 нафар бола боғчага муҳтож. Ўтган йили мактаб биносининг тенг ярми бузиб ташланган эди. Мавжуд қисмида 1057 нафар ўқувчи икки сменада зўрға сиғишиб таълим олмоқда. Негадир мактабни қуриш

бўйича ханузгача дарак йўқ. Маҳалладаги трансформатор ва симёғочларнинг ўрнатилганига 50 йилдан ошиб кетган. 4 та трансформатор жуда ёмон ҳолатда ишляпти. Иккита қўшимча трансформаторга эҳтиёж бор. Ушбу муаммолар бўйича мурожаатлар қилганмиз. Натижасини эса кўтүрмиз.

Таклиф. Ҳар бир маҳаллада ўзининг худудидан битта посбон ишласа, яхши бўларди. Жуда кўп муаммоларнинг олди олинарди.

12 май куни бўлиб ўтган йиғилишда Президентимиз иқтисодиёт билан боғлиқ қатор масалаларни кўриб чиқди. Улар орасида қон-қонимизга сингиб кетган «приписка» — қўшиб ёзиш иллати ҳам кўтарилди.

ҲОКИМЛАР

АСЛ ҲОЛАТНИ БЕРКИТИШЯПТИМИ?

Дарҳақиқат, бу «хислат»дан ҳам ҳеч қутила олмаяпмиз. «Ҳокимлар таниш-билиш қилиб, шерик бўлиб асл ҳолатни беркитишяптими? Прогнозни бажара олмаса, нега раҳбар бўлиб ўтириши керак?» — деди давлат раҳбари. Президент пахтачиликда «приписка»га чек қўйилган бўлса-да, саноат тармоқларида бу иллат ҳамон яшаб келаётгани тўғрисида гапирди.

Бир неча йил илгари бир катта идорага умумхалқ ҳашари пайтида ҳужжатларни тайёрлашда кўмаклашиш учун «ҳашар»га боргандим. Вазирам — шу идоранинг вилоятлардаги бўлимларидан ҳашар жараёнида қилинган ишлар тўғрисида маълумотларни йиғиб, юқорига узатиш бўлган. Эрталабдан маълумотлар кела бошлади. «Фалон туманда фалонча тонна маиший чиқиндилар олиб чиқиб ташланди. Бу мақсадларга фалон-фалон



идоралардан фалонча махсус транспорт жалб қилинди. Ҳашарга турли идора ва ташкилотларда фаолият юритувчи фалонча, маҳалла аҳлидан фалончаси жалб этилди» ва ҳоказолар...

Аввалига-ку, ҳайрон бўлгандим. Ҳашар энди бошланган, соат ҳали эрталабги 10.00га ҳам етмаган бўлса, шунча ишга қандай улгуриляпти экан? Тайёргарлик зўр бўлган шекилли, деб ўйлагандим. Аммо ҳаммаси кейинроқ бошланди. Мен «тажрибасизлик» қилиб, рақамларни қандай бўлса, шундайича юқорига узатавери-

ман. Бир маҳал устимга ўша катта идоранинг қатор катта раҳбарлари дағдаға билан кириб келиб қолишди.

Кўрсаткичларни тушириб юбораётган эканман. «Нима қилай ахир? Берилган рақамларни қўшиб, кўпайтириб чиққанини узатяпманда», дея эътироз билдирдим. Шунда шу идора ташкил қилинганидан буён қимирламай ишлаётган ўта «тажрибали» катта раҳбарлардан бири меҳрибонлик билан менга қандай ишлаш кераклигини кўрсатиб қўйди. Масалан, Жиззах вилоятида ҳашар

давомида экилган дарахтлар сони 1111 та бўлсин. Астагина ўтган йили топширилган ҳисоботга қараймиз. У ерда бу рақам 2222 тани ташкил этияптими? Демак, ривожланиш, ўсиш, тараққиёт нуқтаи назаридан бу йил ўтган йилдагидан кўпроқ бўлиши керак. Юқорига жўнатиладиган маълумотномага 3333 рақами туширилади. Асл рақам билан эса ҳеч кимнинг иши йўқ. Мабодо кимдир сўраб қолган тақдирда ҳам кўчатларни қуриб қолди, деб айтиш қийинчилик туғдирмайди. Олиб чиқиб ташланган чиқиндиларни эса ҳеч ким тонналаб тортиб кўрмаслиги аниқ. Хуллас, бир кунлик ҳашар ўтади-кетди...

Бу энди ўша тизимнинг энг юқорисида қилинаётган «приписка». Агар туман, вилоят ҳокимликлари, маҳаллалардан бошланган «приписка»ни (албатта, улар ҳам 1111 рақамини жўнатгунларича

юқоридаги схема асосида ишлашган) ҳам қўшсак, аслида ҳеч бир иш қилинмагани, бариси фақат қоғозда бўлганини тушуниб етамиз.

Мана сизга «приписка»нинг энг оддий бир кўриниши. Хўш, бу йўқ ишларнинг бор қилиб кўрсатилишидан мақсад нима? Энг қизиғи, ҳамма-ҳамма, энг пастдан энг юқоригача бу қоғозлар сохта эканини билади. Янаям қизиғи, мақсад нима эканини ҳеч ким билмайди. Шунчаки ўрганиб қолганмиз. Шунчаки ёлғон ишлатмасак тура олмаймиз.

Аммо ёлғоннинг умри қисқа. Айримларнинг қилган «приписка»лари Президент бошчилигида ўтказилган йиғилишда очилиб қолди. Жумладан, асл рақамлар, эълон қилинганидан фарқли ўлароқ қуйидагича экани таъкидлаб ўтилди: йилнинг биринчи чорагида «Ўзавтосаноат»да ишлаб чиқариш ҳажми 40 фоизга, «Ўзбекнефтгаз» — 4,7

фоизга, чарм маҳсулотлари — 10 фоизга пасайган. Сўнгги бир йилда дори-дармон ва тиббиёт буюмларига эҳтиёж кескин ошган бир пайтда, фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 22 фоизга камайган. 74 та йирик ҳудудий корхонада ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан 1,1 трлн. сўмга пасайган. Жумладан, Тошкент шаҳрида — 23 та (390 млрд. сўм), Фарғонада — 4 та (367 млрд. сўм), Қашқадарёда — 6 та (143 млрд. сўм), Тошкент вилоятида — 12 та (87 млрд. сўм).

Хўш, «приписка»дан қутилиш учун нима қилиш керак? Аччиқ бўлса ҳам айтаман. Эски давр мутахассислари бусиз ишлай олишмайди. Ўрганиб қолишган, ишлаш услублари шунақа. Шу боис улардан воз кечиш керак. Тамом.

Камрон
ТУРҒУНОВ.

ҲУҚУҚ

ШАХСИЙ МАЪЛУМОТНИ ТАРҚАТГАНЛАР УЧ ЙИЛГАЧА ҚАМАЛАДИМИ?

Оммавий коммуникацияларнинг ривожланиши ортидан ижтимоий тармоқлар ва интернет сайтларида фуқаронинг шахсий ва оилавий сирига оид маълумотларнинг розилигисиз олинishi, тарқатилишига оид ҳолатлар кўпаймоқда.

Шу боис «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси жамоатчилик муҳока-

масига қўйилган.

Лойиҳада қайд этилишича, Жиноят кодексининг 141²-моддасига кўра, шахсга доир маълумотларни қонунга хилоф равишда ошкор этиш, тарқатиш, эгасизлантириш, ўзгартириш, ишлаб бериш, қонун билан белгиланган мулкдор ва оператор томонидан шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича зарур ҳуқуқий, ташкилий ва техник чораларни кўрмаслик, шахсга

доир маълумотлар ўзгарган тақдирда, бу ҳақда ваколатли давлат органини хабардор этмаслик, башарти ушбу ҳаракатлар, маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса — (биринчи қисм санкцияси) **БҲМнинг 100 бараваридан 150 бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан**

жазоланади, иккинчи қисм санкцияси бўйича эса — **БҲМнинг 150 бараваридан 200 бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.**

Яна бир гап. Айтилган дамада ушбу қўшимчаларнинг қонунга киритилиши жуда муҳим. Агарда юқо-

ридаги қўшимчалар киритилса, инсоннинг шахсий ҳаётига, унинг шахсига доир маълумотларни қонунга хилоф равишда олиш, қайта ишлаш, сақлаш, тарқатишдан жисмоний ва юридик шахсларнинг жавобгарлик таҳдиди билан тийилиши ва умуман, унга доир маълумотлар билан қонуний ишлаш самарадорлиги ошишига хизмат қилиши мумкин.

Нилуфар
ЮНУСОВА.



«Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги Президент қарори билан мамлакатимизда 2021 йил 13 май Рамазон Ҳайити байрами сифатида нишонланиши белгиланди.

ИШЛАНМАЙДИГАН КУНЛАР

ДАВЛАТГА ФОЙДАМИ ЁКИ ЗАРАР?

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг ПФ-6222-сонли фармони асосида 14 май (жума) ҳамда 15 май (шанба) кунлари қўшимча дам олиш куни, деб эълон қилинди. Шу асосда ўзбекистонликлар Рамазон Ҳайити муносабати билан кетма-кет 4 кун (13-16 май кунлари) дам олади-ган бўлишиди.

Айримларда нима учундир дам олиш кунлари давлатга зарар келтиради, деган нотўғри тасаввур шаклланди. Хўш, чиндан ҳам шундайми? Ишланмаган кунлар учун давлат бюджети зарар кўради-ми? Агар шундай бўлса, давлат нега бу йўлни танламоқда?

Тан олиш керак-ки, дам олиш, байрам, таътил кунларидан мамлакат иқтисо-



диёти ютказди, деган ақида собиқ иттифоқда шаклланди. Бу тушунча жуда кўп раҳбарларнинг онгига сингиб кетгани учун байрам ва дам олиш кунлари ишга чиқмаган, таътилдаги ходим ва ишчиларга душмандек қараш ҳоллари ҳам, афсуски, учраб туради. 1977 йилдаги Конституцияга қадар, гарчи шiorларда меҳнаткашлар ҳуқуқлари овоза қилинган бўлса-да, советларда ҳафтасига етти кунлик иш режими амал қилган. Ҳисоб қилинганки, агар ишчилар ҳафтасига



2 кун ишламай дам олса, халқ хўжалиги йилига 20-25 фоиз атрофида маҳсулот ишлаб чиқаришдан мосуво бўлади.

Айтиш керакки, иқтисодиётида сервис бўлмаган ва бўлса ҳам салмоғи арзimas даражадаги собиқ иттифоқ учун бу қоидалар ва ҳисоб-китоблар ростан ҳам тўғри келган бўлиши мумкин. Лекин замонавий ва илғор мамлакатлар иқтисодиётида сервис кўлами 60-70 фоизни

ташкил этади. Шунинг учун бу мамлакатларда одамларнинг дам олиш, байрам ва таътил кунларидан иқтисодиёт янада кўпроқ фойда кўради. Зеро, айнан шундай кунларда кўпчилик мамлакат бўйлаб оилавий саёҳатга чиқади, турли дам олиш масканларида ҳордиқ чиқаради, транспорт хизматларидан фойдаланиш ҳажми ортади, умуман олганда, дам олиш кунлари давлат учун манфаатли саналади.

Яна бир гап. Агар қайсидир байрам куни якшанба кунига тўғри келиб қолса — барча учун, шанба кунига тўғри келиб қолса — 5 кунликлар учун дам олиш кунига ҳеч қандай ўзгариш бўлмайди. Халқ тилида айтганда, улар «ютқазишадди». Кўплаб хорижий давлатлар амалиётини кўрадиган бўлсак, агар байрам куни шундоқ ҳам дам олиш кунига тўғри келиб қолса, унда навбатдаги иш куни дам олиш куни сифатида эълон қилинади.

Бу ҳақда фикр билдирар экан, таниқли ҳуқуқшунос Хушнуд Худойбердиев Меҳнат кодексига 9 та байрам (ишланмайдиган) кунлар белгиланганми, демак, давлат ҳар йили ҳар қанақа ҳолатда ҳам халқ

9 кун қўшимча дам олишини таъминлаши керак, дейди. Зеро, бундай ҳолатлар жуда кўп такрорланмайди. Тақвимга қарайдиган бўлсак, мисол учун, бу йил 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни якшанба кунига тўғри келди.

Фуқароларнинг муносиб меҳнат ҳуқуқларининг кафолати сифатида 9 та байрам дам олиш кунига тўғри келса, навбатдаги иш кунини дам олиш куни сифатида эълон қилиш тартиби жорий қилинса, аксинча, кўпроқ фойда бўлади. Ҳам халқаро майдондаги инсон ҳуқуқларида оид имижга ижобий таъсир қилди, ҳам энг асосийси — халқнинг розилиги ва дуоси олинади.

Нурия ХУДОЙНАЗАРОВА.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

ИНСПЕКТОРЛАР ИККИ ЎТ ОРАСИДА ҚОЛЯПТИ...

Маҳалламиз тоғли ҳудудда жойлашган. Шунга кўра, одамлар, асосан, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Шунингдек, хонадонларда асаларичилик, паррандачилик, беданачилик ҳам йўлга қўйилган.

Номли дафтарларга киритилган фуқароларни тикувчилик цехи, йигирув фабрикаси, оёқ кийим ишлаб чиқариш корхоналарига бириктириб, бандлиги таъминланмоқда.

Қандай муаммолар бор? Ҳудуддаги асосий масала — интернет билан боғлиқ. Рақамлаштириш, электрон хизмат, масофадан ишлаш тамойиллари илгари сурилаётган пайтда уларга эҳтиёжимиз бор. Тўғри, ўтган йили маҳаллага оптик толали кабеллар ётқизилди, бироқ хануз интернет уланмаган. Сабабини сўрасак, яна қандайдир қўшимча технологиялар керак экан. Хуллас, бу масала анча вақтдан буён ечимини кутиб турибди.

Яна бир гап: про-

филактика инспекторлари иккита тизим ўртасида қолаётгани боис айрим ҳолларда уларнинг маҳаллага ёрдами тегмай қоляпти. Дейлик, ҳудудда қандайдир жанжал ёки келишмовчилик юзага келса, кўп ҳолларда ўша жойга инспектор билан етиб боролмаймиз. Чунки нозир ўша пайтда ё судда, ё юқори турувчи ташкилот топшириғи билан юрган бўлади. Шундай пайтларда посбонларнинг ўрни билинади. Авваллари улар ҳар қандай ҳолатда маҳалла ходимлари билан бирга бўларди ва одамлар ҳам улардан қайсидир маънода ҳайиқиб турарди.

Маҳалламизда уч мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилса, уларнинг 50 нафари



Феруза ЯХИЁЕВА, Вобкент туманидаги «Розмоз» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

меҳнат миграцияси туфайли чет элга чиқиб кетган. 10 нафари оила аъзоларини ҳам олиб кетишган. Албатта, улар билан ҳам, бу ерда қолган оилалари билан ҳам доимий суҳбатларни ўтказиб турибмиз. Қандайдир муаммо бўлса, биргаликда ечим топяпмиз.

БИЛАСИЗМИ?

ТИББИЙ ЁРДАМ БЕРИШ РАД ЭТИЛСА...

Ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли ҳолатда бўлган шахсга тиббиёт ташкилот-



ларида қонунга ёки махсус қоидаларга мувофиқ шошилиш ва (ёки) кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатиши керак бўлган шахс томонидан шундай ёрдам кўрсатишни асоссиз равишда рад этиш фуқароларга — 735 минг сўмдан 1 млн. 225 минг сўмгача, мансабдор шахсларга — 1 млн. 225 минг сўмдан 2 млн. 450 минг сўмгача жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилганидан кейин 1 йил давомида такроран содир этилган бўлса, фуқароларга — 1 млн. 225 минг сўмдан 2 млн. 450 минг сўмгача, мансабдор шахсларга — 2 млн. 450 минг сўмдан 3 млн. 675 минг сўмгача жарима солишга сабаб бўлади.

МАҚОМ МАРКАЗИНИ ҚУРИШГА 93 МЛРД. СЎМ САРФЛАШ ЗАРУРМИ?

Мақом санъати ўзбек халқининг минг йиллардан ўтиб келаётган бебаҳо маданий мероси ҳисобланади. Уни асраб-авайлаш ва ривожлантиришга давлат томонидан жиддий эътибор қаратилиб, қатор ишлар амалга ошириляётгани сабаби ҳам шунда.

Бу борадаги навбатдаги янгилик — Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманида мақом маркази қурилишига катта маблағ ажратиш кўзда тутиляётир. Яъни давлат буюртмасига эълон қилинган тендерда бошланғич баҳоси 93 млрд. сўм этиб белгиланди.

Мақом санъатини ривожлантириш учун шундай катта объект керакми? Албатта, ўзбек мақоми миллатимизнинг дунё ичра «ташриф қоғоз»ларидан бири десак, янглишмаймиз. Шу маънода пойтахтимизда маҳобатли мақом маркази қад ростлаб турса қандай яхши. Лекин бу ишимиз мақом санъати ривожига қай даражада хизмат қилиши номаълум. Тушуниш керак-

ки, ёшларни мақом санъатига ошно қилиб тарбиялаш учун қилинадиган асосий иш бу эмас ва у керакли даражада бажарилгани йўқ. Тўғри, ташқи кўриниш одамни ўзига бирдан жалб этади, лекин моҳиятга етакламайди. Мақом маркази қад ростлаши билан ёшлар енгил-елпи, маза-матрасиз «хониш»лардан юз ўгириб қолади, деб ўйлайсизми? Демокчимизки, одамларни мақом санъатига яқинлаштирувчи, халқимизнинг мусиқий дидини тарбияловчи маърифий ишлар ҳам доимий эътиборда бўлиши лозим.

Биламизки, бир пайтлар туман ва шаҳарлардаги «Маданият уй»лари аҳолини, жумладан, ёшларни ўз атрофига жалб этар-



ди. Бу ердаги мусиқий тўғараклар, ҳаваскор ансамбллар истеъодларни кашф этиш ва тарбиялашга хизмат қиларди. Бугун эса ушбу масканлар номигагина ишлаб турибди, у ерга одамлар қадам ҳам босмайди. Ҳақиқий санъатни тарғиб қилиш мақсад қилинган экан, нега «Маданият уй»ларининг фаолиятига эътибор қаратилмайди?

Айни пайтда ушбу объектга шундай катта маблағ ажратилгани ҳолда, илмий марказларда замонавий асбоб-ускуналар етишмаётгани, олимларимиз тадқиқотларини ҳамон эскирган лабораторияларда амалга ошираётгани эсга тушади. Ҳолбуки, бугунги кунда халқимизнинг замонавий илм-фанда илғорликни эгалла-

ши энг муҳим масала. Чунки тараққиётга бусиз эришиб бўлмайди. Ушбу мақсад учун маблағлар ажратиш эса мутасаддиларнинг тушига ҳам кирмайди. Давлат маблағлари қуруқ шон-шухрат учун эмас, амалий ишларга ҳам йўналтирилса, кўпроқ фойда келтиради, деб ўйлаймиз.

Тўлқин ШЕРНАЕВ.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

«ФХДЁ ХОДИМЛАРИ ҲАМ МАҲАЛЛАМИЗГА КЕЛИШСА...»

Бошқаларга қараганда маҳаллаларда бўляётган ўзгаришларга баҳо бериш менга осон. Сабаби бир неча йил аввал тизимдан бошқа соҳага ўтиб кетгандим.

Энди яна маҳалла раиси сифатида ишляяпман. Шу тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, сўнгги йилларда вазият ижобий томонга ўзгарди.

Чиндан ҳамкор ташкилот ходимлари «маҳаллабай» ишлаб, аҳолини қийнаётган муаммоларга ечим топяпти. Маҳалламизда 11 нафар «Темир дафтар»даги фуқароларга моддий ва маънавий кўмак кўрасатилди. Натижада улар рўйхатдан чиқарилди. 3 нафар фуқарога иссиқхона қуриб бердик. Банкдан кредит олиб бердик. 2 нафари ишга жойланди.

Бу йил 20 нафар эхтиёжмандга кредит берилди. Яна

тикув машинаси, минни печ берилди. Яқинда «Аёллар дафтари»даги бир аёлга 20 донна товук катаги билан берилди. Шунингдек, бир ойлик озуқасини ҳам тақдим этдик. «Ёшлар дафтари»да турган бир йигитга тўлов-шартнома пулини тўлаб беряпмиз.

Маҳалламизда ўзига хос ташаббус йўлга қўйдик. Кексалар гуруҳимиздаги ҳар бир нурунийларга 5 нафардан ёшлар бириктирилган.

Иш фаолиятимиз анча осонлашиб боряпти. Масалан, интернет улаб берилди. Бу ҳам қулайлик яратмоқда.

Камчилик йўқ эмас, мисол учун, маиший муаммолар

фаолиятимиз давомида ҳал этилмоқда. Шунингдек, биноимиз эскироқ эди, таъмирлаб олдик. Аммо мебел жиҳозлари етишмайди. Яна бир масала — ФХДЁ ходимлари биз билан ҳамкорликда ишлашса, яхши эди. Барча ташкилотлар каби улар ҳам маҳаллага кириб боришмаяпти. Агар янги оила қураётган ёшлар билан суҳбатда биз билан бўлишса, ҳуқуқий жиҳатларида маслаҳат беришса, натижа ижобий бўларди.

Холмаҳаммад АСҚАРОВ,
Тўрақўрғон туманидаги «Файзиобод» маҳалласи раиси.

БУГУННИНГ ГАПИ

ҚОЛГАН ИШГА ҚОР ЁҒМАСИН!

«Лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисидаги қонунга ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасининг муҳокамасини 1 ноябрга қадар давом эттиришга қарор қилинди.

Loticha			Kirill				
Bosma	Yozmasi	Talaffuzi	Harflar	Bosma	Yozmasi	Talaffuzi	Harflar
Aa	Аа	a	А а	О о	o	o	У у
Bb	Бб	be	Б б	П п	pe	pe	П п
Dd	Дд	de	Д д	Q q	q	q	К к
Ee	Е е	e	Э э	R r	ra	re	Р р
Ff	Фф	fe	Ф ф	S s	sa	se	С с
Gg	Гг	ge	Г г	Sh	sha	she	Ш ш
Hh	Ҳ ҳ	he	Ҳ ҳ	Cc	ca	ce	Ч ч
Ii	И и	i	И и	Ti	ti	te	Т т
Jj	Ҷ ж	je	Ж ж	Uu	ua	ue	У у
Kk	К к	ke	К к	Vv	va	ve	В в
Ll	Л л	le	Л л	Xx	xa	xe	Х х
Mm	М м	me	М м	Yy	ya	ye	Й й
Nn	Н н	ne	Н н	Zz	za	ze	З з
Oo	О о	o	О о	ng	nga	nge	Нг нг
				*	*	*	Talaffuzi

Дастлабки муҳокама-лар бўйича натижаларга қарасак, «regulation.gov.uz»да лойиҳани 26 мингдан зиёд киши кўриб, 1035 та фикр қол-

дирган. Таклифларнинг 56 фоизи (547 таси) лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосини ислоҳ қилинишини, 32 фоизи (302 таси) эса амалдаги алифбода қолишни ёқлаган.

Ижтимоий тармоқда ҳам бу мавзу катта баҳсга сабаб бўлди. Кўплар бу ислохотни қўллаб-қувватлаган бўлса, аксарият фойдаланувчилар бунинг молиявий юки, ўрта авлоднинг саводсиз бўлиб қолишидан ташвишланиб фикр билдирган.

Эътибор берсангиз, ҳали ҳам бу мавзуда одамлар икки қутбга ажралиб қолган. Шу боис уни қабул қилишни ҳадеб ортага суравермаслик керак. Ахир халқимизда яхши мақол бор. Қолган ишга қор ёғади.

Шербек ФАЙЗУЛЛАЕВ.

ЁРДАМ ЭМАС, ЙЎЛ БЕРИНГ...

Муқаддас айём — ийд рамазон байрами чинакам эзгулик рамзи. Бу ойда мискину эҳтиёжмандларга хайру саховат ҳар қачонгидан ортади. Жумладан, маҳаллаларда ҳам кам таъминланган, «Темир дафтар»-дагиларга озиқ-овқат маҳсулоти, пул маблағлари берилди. Бу йил ҳам мана шу анъана давом этмоқда.



Яқинда ифторликда бир танишим — маҳалла раиси ўз ҳудудида тадбиркор ва сахий инсонлар ташаббуси билан шундай саховат тадбирларини бошлаб юборганини айтди. Кўплар ундан миннатдор. Маълум бўлишича, саховатпеша инсонлар эҳсонидан эҳтиёжманд оилаларга 500 минг

сўм пул ва озиқ-овқат олиб бориб беришяпти экан. Эътибор беринг, бу пулни давлат томонидан эмас, тадбиркорлар ташаббуси билан йиғилган.

Аммо яқинда бир хонадонга боришганда кўнгли анча оғринибди. Чунки хонадон соҳиби ва соҳибаси ҳеч бир андишасиз олиб келган эҳсонла-

ри камлигини таъна қилибди. Устига-устак шу арзимас пул ва озиқ маҳсулоти билан «Темир дафтар»дан чиқариб юборса, керакли жойда гаплашишини шаъма қилибди.

Ифтордан уйга метрода қайтдим. Маҳалла раисининг ҳикояси хаёлимдан чиқиб кетмасди. Саволлар тинчлик бермасди. Наҳотки, одамлар шу даражада боқиманда бўлиб кетяпти? Наҳотки, одамгарчилик, меҳр-оқибат шунчалар танқис бўлиб борапти?

Юқоридаги каби ўйлар билан ўтирганимда бехос олдимдаги йўловчининг ҳаракатидан хаёлим бўлиниб кетди. Эътибор берсам, кўзи ожиз йигит одамлар орасидан

туртиниб, поезд эшиги томон интиларди. Мен ҳам шу бекатда тушганим учун ёрдамга ошиқдим. Йигитинг қўлидан тутиб, таклифимни айтганимда унинг жавобидан ҳайратландим.

— Раҳмат, мен ёрдам эмас, йўл беришларини сўрадим, холос.

Аслида ёрдамга муҳтож бўлса-да, йигит сир бергиси келмасди. Бировга қарамлик тақдирига битилган бўлса-да, фитрати буни қабул қилмасди. Йўлим унинг манзили билан туташ эканини айтганина ёрдамимни қабул қилди. Ҳамроҳим билан йўлора сўхбатлашиб бордик. У шу ёшгача кўп қийинчилик кўрган, барини мардона энгиб ўтгани-

ни ҳикоя қилиб берди. Опаси билан хусусий тадбиркорлик қиларкан. Яхши даромад топиш билан бирга, ўзи каби 5-6 нафар йигитни иш билан таъминлабди.

Ҳар байрам муносабати билан ўзи яшайдиган маҳаллада муҳтожларга хайр-саховат қиларкан. Унинг бу гапларини тинглаяпману сал аввал танишим маҳалла раиси айтган «эҳтиёжманд» ҳикояси кўз олдидан ўта бошлади.

Ҳа, кимлардир тўрт мучаси соғ бўла туриб, берсанг ейман, урсанг ўламан, қабилада яшашга ўрганиб қолган. Кимлар эса бировга оғирлиги тушишини ор билади.

Мақсадбек ФАЙЗ.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

«ЎЗГАРИШЛАРНИ ОДАМЛАР ҲИС ЭТМОҚДА»

Кўплар маҳалла ислохотларини аввалбошида унча тушунмади. Ҳатто, соҳа ичидаги айрим ҳамкасблар ҳам аҳолини рўйхатга олиш жараёнидан норози бўлганди.



Бошқа ҳудудларни билмадиму, аммо бизнинг Наманган туманида бу ишлар ижобий самарасини кўп куттирмади.

Мисол учун, фуқаролар йиғинимизда шу кунгача 38 нафар «Аёллар дафтари»-даги, 65 нафар «Ёшлар дафтари»-даги, 2 нафар «Темир дафтари»-даги маҳалладошимиз бандлиги таъминланди. Натижада «Темир дафтар»-дагиларнинг барчасини рўйхатдан чиқардик. «Аёллар дафтари»-даги 22 нафар ма-

ҳалладошимизга ҳам тикув машиналари, қорамол бериб, ўзини ўзи банд қилдик. «Ёшлар дафтари»-даги 36 нафар ёшнинг ҳар бирига 20 сотихдан ер бердик.

Яқинда маҳалламизда 27 та ишчи ўринга эга тикувчилик цехи иш бошлади. Келажакда шу корхонани 100 ўринли қилиш ниятидамиз. Бу билан қишлоғимиздаги ишсиз хотин-қизлар бандлиги таъминланади.

Тошлоқ кўчаси маҳалламизда янги ташкил этилгани учун

йўлларни асфальтлаш, ёритгичлар билан таъминлаш борасида муаммолар бор эди. Шу боис тегишли ташкилотларга мурожаат қилдик. Насиб этса, жорий йил охиригача белгиланган юмушларни бажаришга ваъда беришди.

Энг муҳими, фуқаролар маҳалладаги ўзгаришларни ўз ҳаётида ҳис қилмоқда.

**Илҳомжон
ЕТОВҚЎЗИЕВ,
Наманган туманидаги «Тепакўрғон»
маҳалла фуқаролар
йиғини раиси**

БИЛАСИЗМИ ?

Кимларга таътил улар хоҳлаган пайт берилади?

Таътил бериш вақти ҳақида ҳодим таътил бошланишидан камида ўн беш кун олдин хабардор қилиниши керак.

Қуйидаги ходимларга таътил уларнинг хоҳишига кўра ёзги ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилиши керак:

— ўн тўрт ёшга тўлмаган битта ёки ундан ортиқ болани (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани) тарбиялаётган ёлғиз ота, ёлғиз онага (бева эркаклар, бева аёллар, никоҳдан ажрашганлар, ёлғиз оналарга) ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг хотинларига;

— I ва II гуруҳ ногиронларига;
— 1941 – 1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари бўйича уларга тенглаштирилган шахсларга;

— ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга;

— таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётганларга;

— жамоа шартномаси, келишувидан назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Таътилдан фойдаланишнинг жадвалда белгиланган вақти ходим билан иш берувчининг келишувига биноан ўзгартирилиши мумкин.

ЭЛЕКТРОН ХИЗМАТЛАРДАН КИМ КЎПРОҚ МАНФААТДОР?

Одамлар орасида «Ҳозирги замонда қоғоз гапиради» деган ибора бор. Ҳақиқатдан ҳам, уй сотасизми, кредит оласизми ёки бошқа бирор иш билан шўғулланасизми, қайси ташкилот эшигини қоқманг, сиздан қандайдир маълумотнома, рухсатнома каби турли ҳужжатларни талаб қилади.

Бу эса фуқароларнинг гоҳ у давлат идораси, гоҳ бу ташкилот эшигида оворая сарсон бўлиши, коррупция, бюрократия каби тўсиқларга дуч келишига сабаб бўлади.

«Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади». Айни гоҳ асосида Давлат хизматлари агентлигининг ташкил этилгани юқоридаги каби ҳолатларга чек қўяётгани бор гап.

Энди биргина Давлат хизматлари марказига бориб, 157 та хизматдан фойдаланиш мумкин. Бироқ бундай муассасалар, асосан, туман ва шаҳар марказида жойлашган.

Демак, бу ўзига керакли «справка»ни уйи ёнидаги маҳалла идорасидан олиб юрган, марказдан қарийб 50-60 километр, баъзи жойларда 100 километр узоқликда яшаётган олис ҳудуд одамлари учун қийинчиликлар туғдиради. Айни шу жиҳат ҳисобга олиниб, марказларнинг чекка қишлоқларда 115 та филиали ташкил этилди.

Муаммо нимада? Шу билан бирга, хизматлар қамрови ва тезкорлигини ошириш борасида айрим муаммолар бор. Масалан, зарур маълумотлар тўлиқ автоматлашти-

рилмагани сабабли атиги 11 фоиз хизматлар электрон шаклда кўрсатилмоқда. Бу эса халқаро норма бўйича ҳам жуда паст кўрсаткич саналади. Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг мобиль иловаси орқали атиги 30 турдаги хизматни кўрсатиш мумкин. Ундан атиги 11 таси интерактив хизматлар. Электрон идентификация тизими ҳамда электрон рақамли имзо билан ишлаш ривожланмаган.

Нима қилиш керак? Энг аввало, қайси қишлоқда, маҳаллада қайси хизматга эҳтиёж борлигини ўрганиш,



қайси хизматларни арзонлаштириш, қайсиларини бепул қилиш масаласини кўриб чиқиш керак. Бунда ногиронлиги бўлган шахсларга маълум чегирмалар берилиши мақсадга мувофиқ. Ўтган йилги пандемия барча соҳаларда электрон хизматларни йўлга қўйиш мумкинлигини

кўрсатиб берди. Бундан эса барча ютади. Ортиқча вақт, маблағ сарфи камаяди, қоғозбозлик, бюрократия йўқолади. Фуқаролар исталган вақтда ариза жўнатишлари мумкин.

Қолаверса, барча маҳаллаларда Давлат хизматлари марказларининг филиалларини ташкил этиш зарур.

Зеро, ўтган қисқа фурсат ичида бу каби филиаллар олис ҳудудларда яшаётган одамларнинг турмуш шароитини янада енгиллаштириб, ортиқча югур-югур, оворагарчиликларнинг олдини олиши исботланди.

Муродилла
ПҮЛАТОВ.

РАИС СЎЗ СҮРАЙДИ

МАҲАЛЛАМИЗГА «ДОМ» ЭМАС, ТЕКСТИЛЬ КОРХОНАСИ КЕРАК

Маҳалламизда йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Таълим, тиббиёт, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, хуллас, аҳоли учун зарур бўлган барча шароитлар яратилган.

Ишсизлик йўқ ҳисоби. 50 та хонадонда иссиқхона бор. Бири бодринг, бири қулупнай, бири помидор, яна бири гулчиликка ихтисослашган. Тадбиркорларимиз ҳам анчагина. Ана шундай тадбиркорларимиздан бири давлат-хусусий шерикчилик асосида янги маҳалла идораси қуриб беряпти. Бу ерда маҳалла ходимлари иш фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратилиши билан бирга, савдо дўкони, автобекат ва сомсахона ҳам қурилиши режалаштирилмоқда. Бу яна бир нечта янги иш ўрни демакдир. Насиб бўлса,

бир ойларда янги идорамизга эга бўламиз.

Маҳалламиз 2019 йил «Обод маҳалла» дастурига киритилгач, кўчаларимиз обод бўлиб, ичимлик сув билан ҳам таъминландик. Бироқ 4 та кўчамиздаги таъмирлаш ишлари охирига етмай қолди. Янгичек кўчамизга 4 та темир-бетон устуни ўрнатилса, электр таъминотидаги муаммомиз ҳам тўлиқ бартараф этилган бўларди.

Яна бир муаммо шундаки, стадион қурилишига мўлжалланган 60 сотих ер майдонимиз ўрнида кўп қават-

ли уй қуриш учун ковлаш ишлари бошланган эди. Бир ой бўлдими, қурилиш ишлари тўхтаб қолди. Айтишларича, бу ерда канализация тизими йўқ экан. Бизга «дом» керак эмас, унинг ўрнига текстиль корхонаси қурилса, кўплаб хотин-қизларимиз ишли бўларди. Тегишли мутасаддилар шу масалада ёрдам беришса, барча аёлларимиз хурсанд бўларди.

Юлдузхон
ЭРГАШЕВА,
Жалақудук
тумани
«Дўстлик»
маҳалла
фуқаролар
йиғини раиси.

МЕНДА
САВОЛ БОР...



МУДДАТИ ЎТГАН МАҲСУЛОТ СОТГАНЛАРГА ЖАРИМА БОРМИ?

— Яқинда дўкондан сут сотиб олгандим. Бироқ уйга келиб ичиб кўрсам, бузилган экан. Дўконга қайтариб олиб боргандим, қабул қилитшмади. Олаётганда муддати-га қараш керак эди, дейишди. Бу ҳолатда уларга нисбатан жазо қўлланиладими?



Исмигул АНОРВА,
Тошкент шаҳри.

Шаҳбоз АБДУСАТТОРОВ,
Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси мутахассиси:

— Яроқлилик муддати ўтган товарларни, шунингдек, ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик муддати кўрсатилиши шартлиги қонун ҳужжатларида назарда тутилган товарларни ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик муддати кўрсатилмаган ҳолда реализация қилиш ҳамда сотиш учун қабул қилганлик:

— фуқароларга БҲМнинг 3 бараваридан 10 бараваригача (735 минг сўмдан 2 млн. 450 минг сўмгача);

— мансабдор шахсларга 7 бараваридан 10 бараваригача (1 млн. 715 минг сўмдан 2 млн. 450 минг сўмгача) миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Бунда ҳуқуқбузарлик ашёлари мусодара қилинади.

81 Ёшли отахонни кўкнори Парваришлагга нима мажбур этди?

Икки йилча муқаддам Самарқанддан ҳажга йўл олаётган отахоннинг ёнидан гиёҳванд моддалар чиққани кўпчиликти таажжубга солганди. Ҳам кекса, ҳам ҳожиликни ният қилган одамдан бундай қилмиш чиқишига ишониб қийин. Лекин ҳақиқатдан кўз юмолмаймиз.



Ички ишлар вазирлиги Тергов департаментининг хабар беришича, шу кунларда самарқандлик яна бир отахон билан шунга яқин ҳолат кузатилган. Яъни Пайариқ туманида яшовчи 81 ёшли А.Ҳайитнинг уйи томорқа қисмида парваришлаг келинаётган гиёҳванд ўсимлигига ўхшаш экинлар мавжудлиги аниқланган. Унинг уйдан олинган 23 туп ўсимлик суд-кимёвий экспертизада текширилганда, улар таркибида гиёҳванд модда опий гуруҳи алкалоидлари морфин, кодеин ва тебаин мавжуд бўлган кўкнори гиёҳвандлик ўсимлиги экани маълум бўлган. Тергов жараёнида аниқланишича, А.Ҳайит олдин ҳам шундай қилмиши учун судланган.

«Букрини гўр тўғрилайди» деган ибора

айнан шундай одамларга қарата айрилган бўлса керак. Айни ёшларга панд-насихат қилиб, уларнинг хатоларини тўғрилайдиган инсон ёмон ибрат кўрсатиб турса-я.

Биз кекса инсоннинг қилмишларини муҳокама қилиш ниятимиз йўқ. Аммо бу жиноятнинг ортида бошқа нарса ҳам бор эмасмикан, деган фикр пайдо бўлади. Кўпинча фарзандлар бирор қилмишни содир этса, бу ишни кекса ёшли отаси бўйнига олади. Чунки ёшини ҳисобга олиб оғир жавобгарликка тортилмайди-да.

Айнан бу ҳолатда шундай, демоқчи эмасмиз. Бунга ҳаққимиз ҳам йўқ. Умуман, жиноятларда кексаларнинг айбланиши масалага чуқурроқ ёндашишни талаб этади. Бу борада ҳуқуқ-тартибот соҳаси ходимларига

ақл ўргатиш ниятимиз йўқ. Улар жиноятлар келиб чиқиш сабабларини биздан ҳам кўпроқ билишади. Лекин жиноят қанча тез бўлса, улар бошоғриқдан шунча осон қутулишини ҳисобга олсак, масалани чуқурлаштиришдан қочишлари ҳам мумкин. Балки адашаётгандирмиз.

Ҳақиқат шуки, ёлғондан айбни бўйнига олиш орқали кимдир жавобгарликдан қутқаришга уриниш ҳаракатлари фош этилганини эшитмаганмиз. Ёки бундай ҳолатлар жомаатчиликка ошкор қилинмайди.

Нима бўлганда ҳам, ўзбек кексаларининг ноҳўя ишларга қўл уриши уятли ҳолат. Шу каби воқеаларга дуч келар эканмиз, ёшларимизда ёши улў инсонларга нисбатан ҳурмат ҳисси аста-секин йўқолишига таъсир қилишини ўйламаяпмиз. Бу энг катта маънавий фазилатимизни бой берамиз, деган гап. Шундай экан, бунга ўхшаш ҳолатларни ўрганишда ва у ҳақда хабар тарқатишда бироз шошмаслик керак, деб ўйлаймиз.

Тўлқин ШЕРНАЕВ.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

Маҳалламиз ҳудудида 5 та меҳмонхона жойлашган бўлиб, туристик хизматлар ривожланган. Сентябрь ойида олтинчиси ҳам ишга тушиши мўлжалланяпти.

ЮТУҚЛАРИМИЗ ОММАЛАШИШНИ ИСТАЙМИЗ



Бу маҳалладошларимизнинг иш билан таъминланишига хизмат қилаётир. Мисол учун, «Главихо» меҳмонхонасига 4 нафар ёш, 2 нафар хотин-қиз ишга жойлашди.

Фақат шу эмас. «Ёшлар дафтари» асосида 14 нафар ёш, «Аёллар дафтари»га киритилган 9 нафар хотин-қиз бандлиги таъминланди. Шунингдек, 38 нафар кишига тикувчилик, паррандачилик, иссиқхона билан шуғулланиши учун банк кредитлари олишига кўмаклашдик.

Ҳудудимизда ҳомийлар билан ҳамкорликда болалар ўйингоҳи ташкил этилиши ўғил-қизларимизнинг яйраб ўйнаши учун шароит яратди.

Ўзим спортчиман. Тажрибамдан биламанки, спорт билан шуғулланиш инсонни ҳам жисмонан соғлом, ҳам иродали, маънан кучли қилади. Шу мақсадда ҳудудимиздаги 5-мактабда маҳалламиз ёшлари учун турли спорт тўғараклари фаолиятини йўлга қўйганмиз. Яшил майдонимиз бор. Бу ерга нафақат ёшлар, балки ёши катта инсонлар ҳам бўш вақтида тез-тез келишиб, машғулотлар ўтказишни одатга айлантиришган.

Хуллас, ижобий ишларимиз кўп. Уларнинг ҳаммасини санаб ўтириш нокамтарлик бўлади. Тўғри, майда-чуйда камчиликларимиз ҳам йўқ эмас. Буни ҳал қилиш кўпроқ ўзимизга боғлиқ.

Бир сўз билан айтганда, маҳалламиз энг намунали маҳаллалардан бири ҳисобланади. Ютуқларимизнинг бошқа маҳаллаларда оммалашини истаймиз. Агар биздан нимадир ўрганмоқчи бўлган ҳамкасбларимиз бўлса, ёрдамга ҳамиша шаймиз.

**Абдусайд МАВЛОНОВ,
Навой шаҳридаги
«Янгиариқ» маҳалла
фуқаролар йиғини раиси.**

КЎЗГУ

ОБ-ҲАВОДЕК ТЕЗ ЎЗГАРАР НАРХ-НАВО

Узоғимизни яқин қилувчи йўналишли транспорт воситаларидан ҳаммамиз фойдаланамиз. Бироқ шахсан менима учун уларнинг нарх-навоси об-ҳаво сингари кун давомида ўзгариб туришига тушунмайман.

Масалан, Тошкент шаҳридан пойтахт вилояти туманларига қатновчи таксиларни олайлик. Таассуфки, маълум йўналиш бўйича қатновчи таксиларнинг деярли барчасида аниқ нарх белгиланмаган. Хусусан, мен «Оҳангарон-Тошкент» йўналишидаги таксилардан деярли ҳар куни фойдаланаман. Эрталаб 10 минг сўмга келамиз, кечки пайт 20 минг сўмга қайтамиз. Ҳайдовчиларнинг устамонлигига беш кетман-да, куннинг қайси вақтида қандай нарх белгилашни яхши билишади.

Таксиларнинг санитария талабларига жавоб бериши, ҳайдовчининг маданияти ҳақида-ку гапирмасам, ҳам бўлади.

Алоҳида Транспорт вазирлиги ташкил этилди ҳамки, вазият ўзгаргани йўқ. Номи улў ташкилотнинг вилоят, туман бўлимлари нима билан банд? Наҳотки, йўналишли транспортлар фаолиятини тартибга солишнинг бирон йўли бўлмаса? Албатта, бор. Бунинг учун мутасаддиларимиздан бироз эътибор ва масъулият талаб қилинади, холос. Фикримча, барча-

сининг ҳаракатланиш талаблари ишлаб чиқилган, фақат улар қоғоздан амалга кўча олмай ҳалак. Пойтахтда бу хизматни кўрсатиш билан шуғулланиувчи хусусий тадбиркорларнинг хизматидан фойдаланиш эса қулай ва сифатли. «Яндекс го» ёки «My taxi»нинг ўзи яққол бунга мисол. Наҳот шу тизимлиликни йўналишли таксиларга ҳам жорий қилишнинг, тизимли ишлашнинг имкони бўлмаса?

**Дурдона
ОДИЛЖОНОВА.**

ҚАРОРГА ОҒИШМАЙ АМАЛ ҚИЛИНСАГИНА КЎЗЛАНГАН МАҚСАДГА ЭРИШИШ МУМКИН. ЙЎҚСА...

Хабарингиз бор, мамлакатимизда аҳоли, шу жумладан, хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож, турмуш шароити оғир, ишсиз, умуман қўллаб-қувватлаш зарур бўлган фуқароларга давлат томонидан манзилли кўмаклашиш бўйича янги тизим жорий қилинди.

Ҳар бир шахс билан индивидуал ва тизимли равишда мунтазам иш олиб боришни ташкил қилиш мақсадида моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилалар бўйича – «Темир дафтар», ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб-ҳунар ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бўлган хотин-қизлар ва ёшлар бўйича тегишлича «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари» ҳаётга татбиқ этилди.

Бироқ ушбу масала юзасидан ҳуқуқий асослар етарли даражада эмасди. Бир қатор ҳолатлар бўйича саволларга аниқ жавоблар ҳам йўқ эди. Шу маънода ҳамда бу йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтариш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелда «**Моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларни, хотин-**

қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Унга кўра, «Темир дафтар»нинг юритилишига **Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги**, «Аёллар дафтари» юритилиши бўйича **Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги** ҳамда «Ёшлар дафтари» юритилишига **Ёшлар ишлари агентлиги масъул этиб белгиланди.**

Эътиборли жиҳати, қарор билан ҳар бир дафтарни юритиш учун алоҳида **вақтинчалик тартиблар тасдиқланди.** Унда мазкур 3 та дафтарга қандай фуқаролар ва оилалар киритилиши, уларга қандай тартибда ва қанақа кўмак берилиши ҳамда хизматлар кўрсатилиши бўйича йўналишлар, даф-



тардан чиқариш каби **тартиблар аниқ қилиб белгиланган.** Шунингдек, дафтарларга киритилган ҳар бир эҳтиёжманд оила ва фуқаролар қарор иловасида кўрсатилган сўровнома асосида ўрганилади.

Энди ҳаммаси аниқ. Бу ҳолат секторларга, маҳалларга ва бошқа масъулларга бу борадаги ноаниқликларга ечим бўлган бўлса, фуқаролар ўртасида юзага келаётган саволларга жавоб бор. **Хусусан**, мавжуд 3

та дафтарга киритилган фуқароларга қуйидаги асосий йўналишлар бўйича алоҳида эътибор қаратилади:

«Темир дафтар»га киритилган фуқаролар бўйича – бандликни таъминлаш, томорқадан даромад манбаи сифатида фойдаланиш учун кўмаклашиш, тадбиркорликка жалб қилиш, моддий ёрдам ҳамда тиббий хизмат кўрсатиш.

«Аёллар дафтари»га киритилган фуқаролар бўйича – бандликни таъминлаш, томорқадан даромад манбаи сифатида фойдаланиш учун кўмаклашиш, тадбиркорликка жалб қилиш, моддий ёрдам кўрсатиш, турар жой ижараси учун компенсация тўлаш, тиббий, ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатиш.

«Ёшлар дафтари»га киритилган фуқаролар бўйича – касб-ҳунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш, бандликни таъминлаш, тадбиркорликка жалб қилиш, хорижда хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграциясини ташкил этиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларининг мамлакатимиздаги олий

таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида йиллик ўқиш харажатларини тўлаб бериш, тиббий, ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатиш.

Яна бир жиҳат, ҳар ойда ҳокимлар ва мутасадди ташкилотлар раҳбарлари халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ҳисобот бериб борадиларга ва улар фаолиятига баҳо берилади. Шунингдек, аниқланган муаммоларни ҳал этиш бўйича халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан маҳаллабай «йўл хариталари» тасдиқланади.

Демак, фуқароларни камбағалликдан чиқариш ва уларнинг фаровонлигини ошириш борасида ҳаётган татбиқ этилган ушбу тизимлар ижросини назорат қилишда маҳалла раислари, фаоллар, қолаверса, кенг жамоатчилик янада фаол иштирок этиши зарур. Энг муҳими, қарор иловаларига оғишмай амал қилинсагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Йўқса, барча саъй-ҳаракатлар қозғоқда қолиб кетади.

Фирдавс ШАРИПОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

ХАТ-ҲУЖЖАТ БИЛАН ИШЛАЙДИГАН АЛОҲИДА ШТАТ КЕРАК

Аҳоли мурожаатлари билан ишлаш, уларнинг ечимини амалий кўмак беришда фаоллар билан ҳамжиҳатликда ишляпмиз. «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» ва «Темир дафтар» бўйича ҳам аниқ тизим яратилган.

Чунончи, «Аёллар дафтари»га 9 та йўналиш асосида киритилган хотин-қизларнинг бандлиги таъминланаяпти. Айти пайтда йиғинимизда 19 нафар хотин-қиз ишсиз. Улар орасида норасмий секторда фаолият юритувчилари ҳам бор, ҳар бири билан мулоқот-дамиз.

Бундан ташқари, 60 нафар чет элга ишлаш учун кетган аёлнинг оилаларидан доимий хабар олиб турибмиз. Агар улар ишлаётган давлатдан юртга қайтиш, виза олиш, оғир вазиятга тушиб қолиш каби ҳал этилиши лозим бўлган масалаларга дуч келса дарҳол тегишли ташкилотлар

билан ёрдам бериш чораларини кўрамай.

Назаримизда, маҳаллада иш кўп, тўланаётган иш ҳақи эса унга ҳамоҳанг эмас. Шунингдек, йиғинларда хат-ҳужжатлар билан ишлаш учун алоҳида штат ажратилиш керак. Чунки хат-ҳужжатларни тайёрлаш, жадвалларни тўлдириш каби юмушларни бажаришга раис ва унинг ўринбосарларининг доим ҳам вақти бўлмайди.

Лейла АҲМЕДОВА,
Тошкент вилояти Янгийўл шаҳри «Бахт» маҳалла фуқаролар йиғини раиси
в.в.б.

ЎҚИТУВЧИНИ ҚАНДАЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МУМКИН?

Бугунги кунда таълим тизимида қатор ислохотлар олиб борилмоқда. Жумладан, жорий йилдан ҳудудларда «Финляндия тажрибаси» асосида узлуксиз таълим тизимида ўқитиш режалаштирилган. Таълим ва тарбия бир-бирига узвий боғлиқ.

Аммо айна дамда тарбия масаласида анчагина хатоликлар кўриниб қолаётир. Мисол учун, дарслардаги тартибсизликлар, ўқитувчиларнинг калтакланиши ҳолатлари кундан-кунга кўпаймоқда. Афсуски, аксарият ҳолларда ўқувчилар ўқитувчини бемалол видеога олиб, интернетда тарқатса, устозига гап қайтарса, мактабга телефон олиб келса, дарсга кирмаса-да, барибир жабрини ўқитувчилар тортишига тўғри келмоқда.

Негадир бундай вазиятларда ҳар доимгидек ота-оналар бир четда қолиб кетаверади. Уларга нисбатан деярли таъсирчан чора қўлланилмайди. Фақатгина ўқувчининг қилмиши шов-шувларга сабаб

бўлсагина, озгина жарима солиб қўйилади. Аслида эса, ота-она ўқитувчини ҳурмат қилсагина, боласида ҳам ҳурмат қилиш ҳисси пайдо бўлади. Бизда-чи? Биргина паст баҳо қўйилгани учун дарров ўқитувчини ўқувчилар олдида ҳақорат қилишга уринишни қандай баҳолаш мумкин? Ўйлаб кўрилса, фарзандининг ёмон баҳо олишида ота-онанинг ўзи ҳам айбдор эмасми? Тўғри, ўқитувчиларнинг ҳам хатолари, талабга жавоб бермаслик ҳолатлари бўлиши мумкин. Лекин буни ҳамма ўқитувчига нисбатан берилган баҳо, деб бўлмайди.

Қонунда нима дейилган? «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги

кодексда ота-оналарга нисбатан қўлланиладиган жавобгарликлар белгилаб қўйилган. Аслида, юқоридagi каби ҳаракатлар таълим муассасаси педагог ходимининг хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиш, деб баҳолашни керак ва агар шундай баҳоланса, бу Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 197-5-моддасига асосан, маъмурий ҳуқуқбузарлик бўлади. Маъмурий жавобгарликка тортилдиган ёш 16 ёш ҳисобланади. Яъни шахс 16 ёшга тўлмаган бўлса, у содир қилган ҳуқуқбузарлиги учун маъмурий жазога тортилмайди. Лекин бу вазиятда болалар учун уларнинг ота-оналари жавоб беради.

Муаммо нимада?



Ҳозирда баъзи ота-оналарнинг мактабда ўқитувчи томонидан боласига берилган баҳога ёки тарбияни тушунмай, мактаб маъмуриятига, ўқитувчиларга турли тазйиқ ўтказиш ҳолатлари учраб туради. Қачонки, ота-она боласининг келажагини ўйламоқчи экан, ўқитувчи билан ҳамкорлик қилиши лозим. Бунинг аксини қилиб ўқитувчига босим ўтказса, бу синфнинг умумий ҳолатига таъсир қилади, бошқа болалар билан ҳам ишлалмай қолади. Жамиятда илдиз отган иллатлардан бири — оилада оталарда

жавобгарлик ҳисси камайиб кетган.

Нима қилиш керак? Ўқитувчи обрўсини ошироқчи бўлсак, аввало, уларнинг ҳуқуқларини тўлиқ ҳимоялаб қўйишимиз керак. Бир пайтлар ўқитувчи мақоми тўғрисидаги қонун лойиҳаси тайёрланган эди. Аммо ҳанузгача бундай қонун кучга киритилганича йўқ. Балки энди шундай қонун қабул қилиш вақти келгандир. Бу хусусида мутасаддилар ўйлаб кўришса, яхши бўларди.

Шоҳрух ЖҲҲРАХОНОВ.

МУЛОҲАЗА

ВАҲШЙЛИКЛАРНИНГ ОХИРИ БОРМИ?

Воқеалар ривожини кузатар эканман: «Абу Сахий» бозорида ўз акасини пичоқлаб қўйган фуқаро 5 йилга қамалди» деган хабарни ўқиб бир сесканиб тушдим.



Таассуфки, кунига бунга ўхшаш хабарларни 2-3 маротаба ўқиямиз, эшитаямиз. Гўёки, бундай ваҳшийликлар «одатий» тус олаётгандек. Бунга ким ёки нима сабаб бўлмоқда?

Аввал бундай хабарлар эълон қилинмасди, дейишга шошилманг. Ваҳшийликларнинг кўпайиши, турфа хиллик касб этиши ортида бошқа омиллар ҳам бор, назаримизда. Бизда ахборотни (кўриб, эшитиб) қабул қилиш маданияти шаклланмаган. Нима кўрилса ёки эшитилса шуни қилиб кўришга иштиёқ катта. Унинг қандай оқибат билан яқунла-

ниши ҳақида ўйлаб ҳам ўтиришмайди. Кинода, бирон ўйинда қилиндики, демек синаб кўриш мумкин, деб ўйлашади. Уларнинг тўқима воқеалик асосида яратилгани, қаҳрамонлар роль ижро этаётганини ҳеч ким тушунтирмайди. Натижада...

Биргина мисол келтираман. Акамнинг ўғиллари(бири 4, иккинчиси 3 ёшда) қўлига нима тушса бир-бирини аямай уришга тушади. Ким ютса, ўша суперқаҳрамон бўлар экан. Гап шундаки, улар кун бўйи онаси ёки отасининг телефонидан турли ўйинлар ўйнашади, бошқа

тилдаги мультфильмларни томоша қилишади. Яъни интернетдан кимнингдир ёрдамида эмас, мустақил фойдаланишади. Танлов имконияти ҳали борлиқ ҳақидаги тасавури шаклланиб улгурмаган болажонларнинг ўзиди.

Бугунги авлод шу зайл каттармоқда. Шу кетиш бўлса, эртанги ваҳшийликларнинг қандай бўлиши ҳақида ўйлашга одам кўрқади. Ҳурматли ота-оналар, илтимос фарзандингиз нима томоша қилаётгани, қандай ўйин ўйнаётгани, қайси ижтимоий тармоқларда кимлар билан суҳбатлашаётгани, қандай гуруҳларга аъзо эканини текшириб туринг. Эътиборсизлик сабаб, эртага унинг тузатиб бўлмас оқибатлари билан курашишга мажбур бўлманг!

Дурдона ОДИЛЖОНОВА.

БИЛАСИЗМИ ?

ҲУЖЖАТЛАР ДАВЛАТ ТИЛИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Қонунчиликка мувофиқ, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш давлат тилида юритилади. Қонунчилик ҳужжатлари давлат тилида қабул қилинади. Зарур бўлганда у бошқа тилларга таржима қилиниши мумкин.



Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларида иш юритиш, ҳисоб-китоб, статистика ва молия ҳужжатлари давлат тилида юритилади.

Давлат тилидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат матни билан унинг бошқа тилдаги матни ўртасида тафовут бўлган тақдирда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг давлат тилидаги матни қўлланилади.

Республикада ўсимлик ёғи нархини пасайтириш мақсадида ҚҚС бекор қилинганди. Лекин амалда бундай бўлмади. Қонунга кўра, ўсимлик ёғи ҚҚСдан йил охиригача озод қилинган.

ЎСИМЛИК ЁҒИДАН ҚҚС

БЕКОР ҚИЛИНГАНИ НАРХГА ТАЪСИР ЭТДИМИ?

Мутахассислар фикрича, бу тизим рақобатли бўлмаган, вертикал ва горизонтал олигопол бозорларда, таклиф ошмаётган ва спекуляция шароитларида ҚҚСнинг пасайтирилиши сотувчи ва воситачиларнинг маржиналлигини, яъни даромадини оширишга хизмат қилади, холос. Фақат, қисқа муддат нархлар ўсишдан тўхтаб туради (ўша 5 фоизлик фарқ утилизация бўлганча).

Хабарларга кўра, айрим ҳудудларда нархни ушлаб туриш

учун маҳаллалар кесимида график асосида пахта ёғининг 1 литри 12000-13000 сўмдан, кунгабоқар ёғи эса 16000 сўмдан сотилаётган экан. Афсуски, ҳар икки ҳаракат ҳам шунчаки халққа ёқадиган, популистик қадам экани айтилмоқда.

Тўғри-да, ёғни ким ва қай тарзда тарқатса ҳам, талаб камайиб, маҳсулот кўпайиб қолмайди-ку? Аксинча, менга кам, унга кўп берди, каби норозиликлар ортиши мумкин.

Қолаверса, бозор иқтисодиёти шароитида бозорни бу тарзда

бошқариш билан иш битмайди.

«Ўзёғмой» уюшмаси ахборот хизмати раҳбари Фахриддин Калоновнинг айтишича, бу борада ҳукумат томонидан чоралар кўрилмоқда. Мисол учун, жорий йил 400 минг гектарга яқин жойда мойли экин экилиб, 663 минг тонна ҳосил олиш режаланмоқда. Бундан 150 минг тонна ўсимлик мойи ишлаб чиқилади. Табиийки, бу нарх пасайишига сабаб бўлади. Кўпи билан 2 ойдан кейин шу натижага эришамиз. Мутахассиснинг таъкидича, ҚҚС бекор



бўлгани ортидан озроқ нархлар ҳам пасайган. Ҳеч бўлмаса, нарх кўтарилиши тўхтаган.

Шу ўринда пахта ёғи нархи ошиши билан боғлиқ вазиятга ҳам изоҳ сўрадик.

— Бунга асосий

сабаб чигит нархи кескин ошиб кетиши бўлди, — дейди Ф.Калонов. — Республика камиздаги кластер корхоналари томонидан чигит баҳоси ошириб юборилгани ҳам пахта ёғи нархи-

га таъсир қилди. Ҳозирда барча кластерларга ҳалол тадбиркор тамойили асосида нарх белгилаш сўралган. Эътибор берсангиз, 2019 йилгача бизга нархни Молия вазирлиги белгилаб

берарди. Ҳозир эса, эркин бозор тамойили асосида кластер корхоналари чигитини биржада хоҳлаган нархда сотмоқда. Аксар кластер корхоналари чигитга катта нарх белгиляпти.

Бундан аёнки, пахта ёғининг ортиб кетишига кластер корхоналари ҳам сабабчи экан. Тўғри, ўзига хос янгилик сифатида пайдо бўлган бу тузилма ўз келажагини ўйлаб, бозор тамойиллари асосида ишлашга мажбур. Аммо халқни ким ўйлайди?

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

ФИКР

БАНКЛАРГА ФОЙДА МУҲИМ, ҚОЛГАНИ ЧИКОРА... (МИ?)

Бир пайтлар пластикдан пул қилдириш муаммо эди. Банкда ишлайдиган танишга илтимос қилиб, 10-15 фоиз эвазига уни нақдлаштирардик. Ҳозир бўлса қайга қараманг банкомат — пластикдаги пулни 1 фоиз эвазига нақд қилиб берадиган қурилма. Метро, бозор, қўйингки, одам гавжум бўлиши мумкин бўлган жойдан уларни бемалол топасиз ва беминнат фойдаланасиз.

Аммо ўзгариш қилинди бўлди, дейиш ярамайди. Биринчи қадам ташлангач, иккинчи ва кейингилари ҳақида бош қотириш керак. Бизда эса банкоматлар аллақачон носоз ҳолга келиб улгурган. Банклар уларни ҳафталар, ойлар ўтса-да, созига алмаштираётгани ҳам рост.

Шуни ҳам гапиринг, ҳар тўқисда бир айб деганларидек, бундай ҳолатлар бўлади-да, дея кўз юмиш мумкин. Бироқ бу хаспўшлаш билан банкларнинг хизмат кўрсатиш сифатини парда ортига беркита олмаймиз. Биргина мисол, бирон



сабаб билан пластикнингизни банкомат «ютиб» юборса, тамом! Мурожаат учун дея банкоматга ёпиш-

тирилган телефон рақамга эллигинчи уринишда тушасиз. Мутахассис билан ярим соатлик аниқлаштирувчи савол-жавобдан сўнг эртаси куни боришингиз керак бўлган манзилни оласиз. (Пойтахтимиздаги «Малика» савдо марказида ўзим ҳам шундай ҳолга тушгандим. «Давр» банки деб ёзилган банкомат

билан боғлиқ вазиятда мутахассисга базўр боғланиб, соатлаб кутиб пластик картанни эртасига савдо маркизи кўриқлаш хизмати хонасидан олиб кетгандим.) Нима учун шахс ўз пластигини ўша ернинг ўзида олмаслиги керак? Пластикдаги пул унга ҳозир, айна пайтда зарур бўлса-чи?

Яна бир масала. Куннинг иккинчи ярмида қайси банкомат олдига борманг, чиқинди учун ажратилган қутилардан тўлиб-тошган чекларни, бўш ичимлик бакилашқаларию ниқобларни кўрасиз. Ҳар ённи ивирситган чекларни ким, қачон тозалайди? Банклар фойда оладиган банкоматлар атрофини тоза-озода сақлашга ким масъул: уларнинг

ўзларими ёки ободонлаштириш бошқармаларими?

Банк масъуллари фақат фойда кўриш эмас, мижозга сифатли хизмат кўрсатиш ҳақида ҳам бош қотириши лозим. Гар шундай бўлганда, балки ҳар икки ҳолатга биз гувоҳ бўлмасмидик. Ўзбекистонда бошқа давлатларнинг ҳам банк филиаллари иш бошламоқда, соҳа хусусийлаштирилмоқда. Бу ўзгаришлар хизмат сифатига қанчалик таъсир кўрсатишини вақт кўрсатади.

Биз эса эътиборингизга Мирзо Улуғбек тумани «Буюк Ипак йўли» метро бекати яқинида олинган фотони тақдим этамиз. Манзарани кўринг ва «завқланинг».

САДОҚАТ.

Жамиятда адолатнинг қарор топиши суд тизими орқали ҳал этилди. Аммо унинг ижросини амалда таъминлаш Мажбурий ижро бюралари (МИБ) томонидан бажарилади.

МУРОЖААТЛАРНИНГ 63 ФОИЗИ

АЛИМЕНТ МАСАЛАСИГА ТЎҒРИ КЕЛАДИ

Бюро органлари ташкил этилганидан буён ҳозирга қадар 63 трлн. 500 млрд. сўмлик ҳужжатларнинг ижроси таъминланган. Маълумотларга кўра, МИБга келиб тушаётган ҳужжатларнинг 63 фоизи алиментга оид масалаларга тўғри келади. Мурожаатлар, асосан, алиментни ўз вақтида ололмастик ва суд қарори чиққан бўлса-да, алимент тўланмаётгани билан боғлиқ. Баъзан алиментни ундириб олиш узоқ вақтга чўзилиб кетаётгани ҳам бир гап. Айти пайтда алимент тўловчилардан

кўра, тўламаётганлар миқдори катта. Кўпчилик ишсизлик ёки даромади йўқлигини рўқач қилади.

Нима қилиняпти? Мавжуд муаммоларга ўзгача ёндашиб, алимент ундириш билан боғлиқ ижро ҳужжатлари юзасидан ҳамкор ташкилотлар билан оилаларни ўзаро яраштириш ишларига эътибор қаратилмоқда. Натижада жорий йил давомида 4 минг 470 тадан ортиқ оила яраштирилган. Бу эса яхши натижа. Ишсиз алимент тўловчиларни иш билан таъминлаш борасида олиб бо-



рилган тадбирлар ва меҳнат ярмаркалари натижасида 24 минг 65 нафар алимент тўловчи ишга жойлаштирилди.

Жорий йил 1 мартдан бошлаб, алимент мажбуриятлари бажарилишини масофавий мониторинг қилиш бўйича тизим яра-

тилди. Янги тартибга кўра, алимент пуллари қарздорнинг иш ҳақидан ундирувчи номига очилган янги пластик карточкаларга орқали электрон тарзда юборилмоқда. Ҳозирда республика миқдаги 280 мингдан ортиқ алимент олувчи фуқароларга бепул ва беғараз равишда "Алоқабанк" томонидан 85 мингдан ортиқ пластик карточкалар тарқатилмоқда.

Яна бир гап. Бу тизим МДХ давлатлари орасида биринчи бор юртимизда жорий этилди. Бунда алимент ундириш тўғрисидаги

ҳужжатларининг ижроси ва ундирилишини назорат қилиш ишлари қисман автоматлаштирилади, алимент тўловчи ва олувчиларга қулайлик яратиларди, алимент тўловчилар устидан доимий (масофавий) назорат ўрнатиларди. Асосийси, эндиликда одатий тарздаги алимент олувчи фуқароларнинг жойлардаги почта-алоқа тармоқлари ва Мажбурий ижро бюросининг туман-шаҳар бўлимларига боришига ҳожат қолмайди.

Нилуфар ЮНУСОВА.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

«ШЎР СУВ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛЯПМИЗ»

Маҳалламиз туманнинг чекка ҳудуди ҳисобланади. Бу ерда, асосан, ғалла ва пахта етиштирилади. Ҳар бир хонадонда чорва моллари бор. Бу эса аҳолининг асосий даромад манбаи ҳисобланади.

Яқинда ҳашар йўли билан иккита кўчага шағал ётқиздик. Биринчи ўринда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ёрдам беришни йўлга қўйиб олганмиз. Идорамиз жуда абгор ҳолатда. Ҳозирда ҳомий топганмиз. Яқин кунларда қурилиш ишларини бошлаймиз.

Муаммомиз бор. Биздаги энг катта муаммолардан бири, бу — ишсизликдир. Иш йўқлиги боис маҳалланинг ўн фоиз аҳолиси хорижга ишлагани кетган. Афсуски, йиллаб хорижда юрган оила бошлиқлари бор. Бу муаммога барҳам бериш учун қўлдан келгунча ҳаракат қиляпмиз. Мисол учун, 12 кишига пилла қурти олиб бердик. Фермер хўжалиқларига кунлик ишларга бирикти-

ряпмиз. Айти пайтда ҳудудимизга 2 та трансформатор керак. Бу борада мурожаатлар қилганмиз. Аҳолимиз тоза ичимлик сувига муҳтож. Ҳозирда пишма кран (качалка) орқали сув чиқариб, истеъмол қиляпмиз. Сув эса жуда шўр. Натижада одамлар соғлиги борасида турли хил муаммолар келиб чиқиши тайин.

Яна бир гап. Маҳалламизда икки қаватли эски болалар боғчаси бор. Бунга бир тадбиркор эгаллаб олган. Тўртта тикув машинаси ўрнатиб олиб, шунча катта бинога эгалик қилмоқчи бўляпти. Ҳозирда туман ҳокимига мурожаат қилиб чиқдик. Боғчани қайтадан таъмирлаб, ишга тушириб беришса, яхши бўларди.

Таклиф. Мавжуд имкониятлар



Абдумўмин ИБРАГИМОВ, Каттақўрғон туманидаги «Вайрот» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

ва бинолардан ўз ўрнида фойдаланиш ҳам одамларга наф келтириши тайин. Ҳар бир маҳаллада кичик корхоналарнинг ишлаши йўлга қўйилса, жуда кўп муаммоларга барҳам берилган бўларди.

БИЛАСИЗМИ ?

«ҲАР БИР ОИЛА — ТАДБИРКОР» ДАСТУРИ КРЕДИТЛАРИ ҚАНДАЙ АЖРАТИЛАДИ?

Кредитлар қарз олувчиларга тадбиркорликни йўлга қўйиш ёки ривожлантириш мақсадлари учун тижорат банклари томонидан бозор тамойиллари асосида мустақил равишда ўрнатиладиган ставкаларда ажратилади.



Микрокредитлар 6 ойгача имтиёзли давр билан 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга берилади. Шунингдек, кредитлар ушбу кредит ҳисобига амалга ошириладиган лойиҳанинг бизнес-режасига мувофиқ ўзини ўзи қоплаш жиҳатларидан келиб чиқиб 2 йилгача имтиёзли давр билан 5 йил муддатгача ажратилиши мумкин.

Бунда берилётган имтиёзли давр ва кредитни қайтариш муддати батафсил асослантирилиши керак.

«ПИТАК»ЛАРДА ЙЎЛОВЧИ ТАЛАШИШ ЯХШИЛИККА ОЛИБ КЕЛМАЙДИ

Ҳозирги кунда пойтахтдан ҳар бир вилоятга кетадиган таксилар учун алоҳида автотураргоҳ мавжуд. Бирор ерга бормоқчи бўлсангиз, «питак»дан таксига чиқиб кетаверасиз. Бу жойлар байрамлар арафасида жуда гавжум бўлади. Рамазон ҳайити олдидан ҳам шундай бўлди. Йўлқира нархи ҳам кўтарилди. Хуллас, ит эгасини танимади.

Ўша кунлари пойтахтнинг Бектемир туманидаги Тошкент ҳалқа айланма йўли кўчасида жойлашган Андижон вилоятига қатновчи автотураргоҳда йўловчи талашган ҳайдовчи бошқа бир ҳайдовчини пиқоқлади. Ҳа, «питак»ларда йўловчи талашини одатий ҳолатга айланган. Шунинг оқибатида таксичилар ўртасида жанжаллар келиб чиқади.

Умуман олганда, ушбу автотураргоҳларда тартиб деган нарсанинг ўзи йўқ. Ҳар ким хоҳлаганча мижоз чақираверади. Ким чаққонлик қилса, ўша йўловчиларга эга бўлади. Қолаверса, бу ер бозордай гап. Йўл ҳақи таксичи ва мижоз ўртасида савдолашилади. Ке-



лишишса, машинага ўтириб кетаверишади. Юқорида айтганимиздек, такси нархи ҳам вазиятга қараб турлича бўлиб тураверади.

Ҳамма такси бирданига одам олаверади. Биттасида иккита, бошқасида битта, яна бирида учта йўловчи бўлади. Муаммо шундаки, одатий

кунларда машинага одам тўлмаса, ярим кунлаб кутиб қолишингиз мумкин. Ноллишга ҳаққингиз йўқ, ўз ихтиёрингиз билан машинага чиққансиз. Таксичининг эса минг битта баҳонаси тайёр.

Хўш, автотураргоҳ эгалари карточкали навбат ва бир меъёрдаги нархларни жорий

этишса бўлмайди? Бўлади, фақат бу жой автомобилларни пулли сақлашга мўлжалланган, деб туриб олишади. Гўё бу ерда йўловчиларга такси хизмати кўрсатилишини билишмайди. Ахир айнан шу мақсадда автотураргоҳингга машинасини киритишадикун, автомобилни

қўяман деса шаҳарда бошқа жой қуриб кетганми. Улар-ку бўйнига олишмайди, лекин Транспорт вазирлиги мутасаддилари қаёққа қараяпти? Бугунги кунда йўловчи ташиш хизматларининг катта қисмини ушбу таксилар бажараётгани ҳеч кимга сир эмас. Қолаверса, машиналар дизенфекцияси, йўловчиларни таркиб-лаштириш, ҳайдовчиларни санитария, гигиена талабларига риоя этишини таъминлаш муҳим масала. Шунга қарамай, бу ҳам эътибордан четда қоляпти.


Хуллас, «питак»лар масаласи тартибга солинмаса, яна муаммолар чиқаверади.

Илғор ЗАМОНОВ,
блогер.

ВАЗИЯТ

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ СИФАТИГА ҚАЧОН ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАДИ?

Кунлар исиши билан қурилиш ишлари ҳам жонланади. Табиийки, қурилиш материалларига бўлган талаб ва эҳтиёж ҳам ортади. Аммо бозордаги нархларда турли тафовутларни кўриш мумкин. Харидор эса доимо сифатли ва арзон маҳсулотга интилади. Хўш, қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми қандай? Улар талабга жавоб берадими?



юртимизда 8 минг 600 дан ортиқ саноат корхоналари томонидан 165 турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Муаммо нимада? «Ўз-стандарт» агентлиги ҳузуридаги департамент ходимлари томонидан 2021 йилнинг ўтган даврида ўтказган ўрганишлар натижасида 136 та қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхонадан 23 тасида стандартлар жорий этилмай, маҳсулот ишлаб чиқарилаётгани аниқланган. Таҳлилларга кўра, аксарият қурилиш объектларида ишлаб чиқарувчиси номаълум, сифат сертификатлари

мавжуд бўлмаган, талабларга жавоб берадиган маҳсулотлардан фойдаланилаётгани кузатилмоқда. Мисол учун, текширувлар натижасида қоришқоқлиги (МПА) стандарт бўйича

30-50 кўрсаткичига эга бўлиши зарур газобетон ёки газоблок каби қурилиш материалларининг катта қисми 13-15 кўрсаткичли, яъни белгиланган миқдорнинг ярмига ҳам етмаётган ҳолатлар кузатилмоқда. Шунингдек, сифатсиз цемент ишлаб чиқараётган ва импорт қилаётган бир неча тадбиркор аниқланиб, уларга чора кўрилган. 4 та металл маҳсулоти ишлаб чиқариш корхонасининг сертификатлари бекор қилинган. Сифатсиз қурилиш материаллари борасида яна бир қанча шундай мисолларни кел-

тириш мумкин.

Нима қилиш керак? Ўтган йили жорий этилган қурилиш назорат инспекцияси бундай ҳолатларнинг олдини олиш борасида жиддий чоралар қўллаши зарур. Қурилатган биноларни эмас, унга ишлатилаётган материалларнинг назорати кучайтирилсагина, сифатсиз бинолар қурилишининг олди олинган бўлар эди.

Яна бир гап. Кундан-кунга замонавий ва инновацион қурилиш материалларининг кўпайиши ҳам маблағни, ҳам вақтни тежашга хизмат қилмоқда. Бу хорижий тажрибаларда синовдан ўтган. Шу боис юртимизда ҳам қурилиш материалларининг янги турларини яратиш бўйича 10 та инновацион лойиҳага 14,1 миллиард сўм маблағ ажратилган.

Нилуфар ЮНУСОВА.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

Маҳалламиз жиноятчилик ва ажралишлардан холи ҳудудга айланган. Бунда нуруний отахону оналаримиздан иборат «Нурунийлар кенгаши» аъзоларининг ҳиссаси катта.

БАРЧА НАТИЖАЛАР АҲИЛЛИККА, ФАОЛ ВА ТАШАББУСГА БОҒЛИҚ

Айниқса, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Одилжон ота Сиддиқовнинг ибратли маслаҳатлари, ҳаётий ҳикоялари ёшларимиз иштирокидаги суҳбатларда ўзига хос ҳаёт мактабини ўтамоқда. Қолаверса, профилактика инспектори Муҳиддин Солижоновнинг маҳалла фаоллари билан бамаслаҳат иш юритиши, ёшлар билан дўстона мулоқотлари ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Ишсизлик ҳам деярли йўқ, ҳамма ҳаракатда. Аксарият аҳолимиз чорвачилик билан шуғулланишади. Деҳқончиликни ҳам қанда қилишмайди. Ҳар бир хонадонда полиз маҳсулотлари етиштирилади. 6 та хонадондаги иссиқхонада қишин-ёзин помидор, бодиринг, лимон истеъмолга тайёр. 150 нафардан зиёд хотин-қизларимиз маҳалламиздаги қўшни маҳалладаги текстиль корхоналарида меҳнат қилишмоқда.

Газ, электр энергия, йўл ва сув масаласида ҳам муаммо йўқ. Фақат маҳалла аҳли билан ҳамфикр, аҳил-иноқликда ишласак бўлди. Негаки, барча натижалар аҳилликка, фаол ва ташаббусга боғлиқ.

Оқибатхон АЛИМОВА,
Қўрғонтепа тумани «Буюк Турон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Афсуски, кунда-кунора қайсидир ташкилотда бюджет пуллари талон-торож бўлгани ҳақида эшитиб қоляпмиз. Масалан, куни кеча Бош прокуратура Департаментининг хабар беришича, Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 16-сонли болалар боғчаси мудираси 37 нафар амалда ишламаган ходимга маош ҳисоблаб, 983,5 миллион сўм бюджет маблағини талон-торож қилган.

ИНСОФГА

ЧАҚИРИШ ИШ БЕРМАЙДИ... (МИ?)

Худди шундай, ўтган ой охирида мазкур вилоятда икки нафар банк ходими «Yoshlar — kelajagimiz» дастури доирасида ажратилган 1,6 миллиард сўм имтиёзли кредит маблағларини мақсадсиз сарфлаб юборгани аниқланганди.

Албатта, бюджет маблағларининг талон-торож қилингани — ниҳоятда ачинарли ва аянчли ҳолат. Бюджет пули — кўпнинг ризқи. Уни шакллантиришда ҳаммамиз иштирок этамиз. Шу маънода бу пулларга қандай қилиб хиёнат қилиш мумкин? Ахир, кўпнинг ризқини оёқ-остию, поймол қилиб, оила боқиш мумкин-

ми?! У қандай қилиб «ҳалол луқма» бўлиши мумкин? Бундай тарзда иш тутишнинг турган-битгани гуноҳи-азим эмасми?! «Гуноҳ»га ботаётганлар эса фақат «у дунё»да эмас, балки «бу дунё»да ҳам ўз жазоларини олмоқлари лозим...

Энг ёмони, бундай ҳолат йилдан-йилга такрорланиб келмоқда. Бунинг устига, ҳеч биримиз «Бу пуллар давлатники! Менинг нима ишим бор!», дея олмаймиз. Зеро, «гумдон» қилинган маблағлар, аслида, давлатники эмас, балки, юқорида таъкидланганидек, солиқ тўловчиларникидир. Солиқ тўловчилар эса сиз

билан биз. Кўтарилган «муаммо»га шундай ёндашиладиган бўлса, шаффофликни таъминлаш, қаттиқ (кескин) жазо чораларини қўллаш, коррупцияни камайтириш ва етказилган зарарларни қоплаш борасида ҳали «ааанча» ишларни қилишимиз зарурлиги маълум бўлади.

Аслида, азалий ҳаёт фалсафаси шундай: ҳар қандай интизомга ва шу жумладан, бюджет интизомига қатъий риоя этишга кескин жазо чораларини қўллашсиз эришишнинг иложи йўқ. Содда қилиб айтганда, бу масалада панду насиҳат қор қилмайди. Инсофга чақириш ҳам иш бермайди. Муаммони

одамгарчилик, инсонпарварлик, гуманизм ғояларига таяниб ҳал этишнинг иложи йўқ. Айбдорнинг кейинги «тақдир»ига қарамоғида 4-5 та «чирқиллаб турадиган» «жон»лар борлиги, соғлигининг жойида эмаслиги ва ҳ.к. шунга ўхшаш омилларни ҳисобга олиб ёндашиладиган бўлса, бюджет интизомининг ҳали-бери мустаҳкамланишидан умид қилмасак ҳам бўлади...

Нима қилиш керак? Ҳозирги шароитда бюджет интизомига қатъий риоя этилишини таъминлашнинг энг таъсирчан йўллари-дан бири, бу — жазо чораларининг кескин кучайтирилишидир.



Бунинг учун бюджет пулини «туя» қилганлар, энг камида, **уни тўлиқ суммада қайтариб, ўз «жой»-ига қўйишлари, ўзлаштирилган давр мобайнида Марказий банкнинг фоиз ставкасидан паст бўлмаган ставкада товон тўлашлари ва буларга қўшимча**

равишда яхшигина мuddатда «ўтириб» ҳам чиқишлари керак. Бунинг натижасида улар муздек қатикни ҳам «пуф»лаб ичадиганлар, бюджет пули деганда эса тавбасига таянадиганлар ҳолига тушишлари керак...

Иброҳим Пўлатов.

РАИС ЎЗ СЎРАЙДИ

ФИКР КЎПМИ, ДЕМАК, ЭҲТИЁЖ БОР

Маҳалла-мизда катта муаммолар йўқ, десам муболага бўлмайди. Тўғри, «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»ни шакллантираётганда 69 нафар аёл ва 79 нафар йигит-қизни рўйхатга киритгандик.

Мана, ўтган мuddат ичида 37 нафар аёл ва 41 нафар ёшлар номли дафтарлардан чиқарилди. Уларнинг хунармандчилик, тўқувчилик, гиламдўзлик билан шуғулланишига шароит яратилди. Қолаверса, имтиёзли кредитлар олиб берилиб, тикувчилик цехлари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларида бандлиги таъминланди.

Қийинчиликлар борми? Маҳалла иши осон эмас. Кўпчилик ҳудудда қандайдир муаммолар бўлса, кимларгадир нафақа пуллари тайинланмаса, хуллас, шунга ўхшаш ҳолатларда маҳалла ходимларини айблашади. Бироқ ҳар доим ҳам масала тўғридан-тўғри йиғин фаолларига тегишли бўлавермаслигини унутмаслик керак. Албатта, ҳар қандай ҳолатда маҳалла раиси уddaбурон, қатъиятли, сўзи ўткир

киши бўлиши ҳам лозим. Зеро, йиғинга ўз дардини айтиб келганларни шундай қайтармаслик даркор. Майли, қайсидир масалада, мисол учун, моддий ёрдам ажратишда йиғиннинг қўли калталиқ қилар, қонунан бунга имконият бўлмас, бироқ раис одамларнинг кўз ёшини арита билиши керак. Ҳомийлар топишга, имкон қадар кўмак беришга интилиши шарт. Шунда унга нисбатан одамларнинг ишончи юқори бўлади, ҳар қандай вазиятда унинг сўзини олишга ҳаракат қилади.

Очиғи, **маҳаллага масъул котиб керак**, деган масала кўп бора таъкидланяпти. Деярли барча маҳалла раислари шу гапни айтишади. Шунча фикр билдириляптими, демак, ҳақиқатда уларга эҳтиёж туғилмоқда. Тўғриси ҳам, раис ва ўринбосарлар кун



бўйи уйма-уй юрса, оилавий нотинчликларни жойига бориб ҳал қилишса интилса, ҳар бир мурожаат билан ишлашга ҳаракат қилсаю, яна турли жадвалларни тўлдиришга мажбур бўлса, бунга имкон топиш мушкул бўлмоқда. Ана шу ўринда масъул котиб бизга асқатарди.

Маҳаллага психолог ҳам керак. Тўғри, ҳозир ҳудудлардаги мактаб психологлари йиғинларга бириктирилган. Бироқ бу қанчалик самара беради? Маҳаллада бу лавозим


бўлса, ҳар куни оила-лардаги ҳолат ўрганиларди, таҳлил қилинарди ва ажралишлар, нотинчликларга сабаб бўлаётган омиллар аниқланиб, уларнинг ечими ишлаб чиқиларди. Айниқса, аёллар билан алоҳида иш олиб боришга эҳтиёж бор. Улар билан турли виториналар, тренинглари ташкил этиши керак.

Фотима ПОЛВОНОВА, Чимбой туманидаги «Бердақ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

БИЛАСИЗМИ?

Қўшимча дам олиш кунлари белгиланди

Президент томонидан имзоланган ҳужжатлар билан қўшимча ишланмайдиган кунлар белгиланди.



13 май (Рамазон ҳайити), 14–15 май (қўшимча дам олиш кунлари) ишланмайдиган кунлар сифатида белгиланди.

Қурбон ҳайити муносабати билан 20–22 июль дам олиш кунлари сифатида белгиланди (17 июль ва 24 июль учун дам олиш кунлари кўчирилади).

Шунингдек, 31 декабрь ҳам қўшимча дам олиш куни этиб белгиланди.

Ўқувчилик давримизда ҳар душанба кунини мактаб ҳовлисида йиғилишиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясини айтардик. Намунали синфга Ўзбекистон байроғи топширилди.

ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ

ҚАНДАЙ ҲОЛАТЛАРДА ТИНГЛАНАДИ?

Ушбу байроқ бир ҳафта ўша синф бурчагида турарди. Ўқувчилар эса кейинги ҳафта бошида яна байроқни ўзларида қолдириш учун яхши ўқиб, намуна кўрсатишга интиларди. Бу эса ўқувчилар учун ўзига хос мотивация эди.

Негадир кейинги йилларда бундай вазиятга гувоҳ бўлмаёман. Кузатган мактабларимда карантиндан олдин ҳам Давлат мадҳияси айтилганини эшитмагандим. Балки сиз билган мактабларда бу анъана давом этаётгандир. Нима бўлганда ҳам Давлат мадҳиясини шу юртда яшаётган ҳар бир инсон билиши шарт.



Бироқ сўровларимиз шуни кўрсатмоқдаки, айрим мактаб ўқувчилари Давлат мадҳиясини ёддан айтиб беришолмаяпти.

Назаримизда, ҳар ҳафта бошида дарс соатларини ўқувчиларнинг Давлат мадҳиясини айтиш-

дан бошлаш керак. Мактаб ҳовлиларида жўр овозда айтишса, янада яхши бўларди. Бу эски анъаналар дейсизми, йўқ, аслида беғубор қалбларга Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик туйғуси ана шундай оддий методлар орқали сингди-

риб борилса мақсадга мувофиқдир. **Шунда** катта бўлганда ватанпарварлик ҳақида гап очилса эснаси қотмайди. Катта-катта корхоналарда ҳам муайян бир иш кунини аввалида ёки ҳар кунини Давлат мадҳияси кўйилса ёмон бўлмасди.

Байрам кунлари Сирдарё вилоятида мадҳия билан боғлиқ ҳолат эса нафақат ўқувчиларга, балки ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларига ҳам қайси касб эгалари қандай ҳолатда мадҳия айтишини ҳам ўргатишни кўрсатмоқда.

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»ги қонунининг

7-моддасида қайд этилишича, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси кўпчилиги ҳузурида ижро этилганда, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, ҳозир бўлган кишилар мадҳияни тик туриб ва ўнг қўл кафтини кўкракнинг чап томонига қўйиб, ҳарбий ёки давлатнинг бошқа хизматидаги махсус кийимдаги шахслар эса қўлини бош кийимига қўйиб тинглайди. Агар Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясининг ижро этилиши Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг кўтарилиши билан биргаликда амалга

оширилса, ҳозир бўлган кишилар унга юзи билан бурилади».

Демак, оддий фуқаролардан фарқли ўлароқ ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари ҳарбий ёки махсус кийимда бўлган пайтларида қўлини бош кийимига қўйиб (честь бериб) давлат мадҳиясини тинглаши керак.

Кўриниб турибдики, давлат мадҳияси тарғиботи билан боғлиқ муаммоли ҳолатлар ҳам бор. Шундай экан, мактаб, олий таълим муассасалари, ҳатто, ташкилот ва корхоналарда ҳам мадҳиямиз жаранг сочиб туриши лозим.

Рустам ЮСУПОВ.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

МАҲАЛЛАМИЗНИ «ТУРИЗМ МАҲАЛЛАСИ»ГА АЙЛАНТИРАМИЗ

Маҳалламиз кўпроқ шолчиликка ихтисослашган. Шу боис «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари»га киритилганларга 10 сотихдан шолерларидан ажратиб беряпмиз. Яна 29 нафар ёшга суғориладиган ерлардан 10 сотихдан берилди.

«Обод маҳалла» дастурига тушгач, боғча ва мактабимиз қайта таъмирланиб, замонавий ҳолатга келтирилди. Ички йўллар текисланиб, электр таъминотидаги муаммолар ҳал этилди. Шаҳар поликлиникаси филиали қайтадан қурилиб, оилавий шифохонага айлантирилмоқда.

Қувонарлиси, маҳалламизда ҳашар ва ҳомийлар кўмагида масжид ҳам қуриляпти. Масжид ёнида «Бепул кийим» лойиҳасини амалга оширяпмиз. Бу ерга шаҳримиздан ташқари бошқа ҳудудлардан ҳам одамлар келиб, турли

кийим-кечакларни хайр-эҳсон қилишади. Жамланган кийимлар эса кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, қийналиб қолган оилаларга бепул тарқатилади.

Мақтаниш эмасу тadbиркорлигим ҳисобидан маҳалламиз ёшлари учун янги спорт стадиони қуряпмиз. Энди спортсевар ёшларимиз олис ҳудудларга қатнаб юрмайди. Қолаверса, спорт билан шуғулланувчилар сони ҳам ортади.

«Андижон денгизи» ёнида жойлашганимиз сабаб, ҳудудимизда туризм ҳам ривожланмоқда. Кемпинглар қурилиб, дам олувчилар учун зарур шароитлар яратилмоқда. Ниятимиз, йиғинимизни туризм маҳалласига айлантириш.

Мансуржон ЮСУПОВ,
Хонобод шаҳар
«Кампировот» маҳалла
фуқаролар йиғини
раиси.



МЕНДА
САВОЛ БОР... ?

MIB.UZ махсус дастури ёрдамида қандай хизматлар кўрсатилади?

– Мобиль алоқа воситаси орқали MIB.UZ махсус дастури ёрдамида қандай хизматлар кўрсатилади?
Ботир ТЎРАЕВ.
Тошкент шаҳри.



Фаррух ТОШПЎЛАТОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги
МИБ ахборот хизмати раҳбари:

– Фуқароларнинг суд ва бошқа орган ҳужжатларига мувофиқ, белгиланган қарздорликнинг ўз вақтида тўламаслиги оқибатида республика ҳудудидан чиқиш ҳуқуқи чекланиши мумкин. Бундай вазиятларнинг олдини олиш ва қарздорликлар ҳақида маълумотларни олиш қулай бўлиши учун мобил алоқа воситаси орқали Play Market иловасидаги **MIB.UZ** махсус дастурини юклаб олиш зарур бўлади. Ушбу дастурга улашиш учун телефон рақами киритилади ва SMS хабарномадаги химоя коди тасдиқланади. Сўнгра, фуқаролик паспорт серияси ва рақамлари билан ягона электрон тизимига уланасиз.

Мазкур ягона электрон тизимидаги «Қарздорликни текшириш» блогида – мавжуд алимент ва бошқа қарздорликлар ҳақидаги маълумотларни олиш имконияти мавжуд. «Республикадан чиқишга чеклов» блогида – қарздорликлар ва алимент сабабли мавжуд тақиқларни билишингиз мумкин. «Алимент калькулятори» – алимент тўловларининг миқдорига аниқлик киритиб беради. «Ижро мониторинги» блоги эса – ижро ишлари ва кўрилатган чоралар жараёнини кузатиб бориш имкониятларини тақдим этади.

Жадид боболаримиз тил ўрганишни тараққиётга олиб борувчи йўл сифатида кўрсатганларига юз йилдан ошиқ вақт ўтди. Ҳозир ҳам бу масала долзарблигича турибди.

ТИЛ ЎРГАНИШ УЧУН

ҚАНДАЙ РАҒБАТ КЕРАК?

Тўғри, бугунги кунда халқимиз, жумладан, ёшларимиз орасида хорижий тилларни биладиганлар кўп. Айниқса, русчада сўзлашувчилар салмоқли ўрин тутди. Лекин бу даражамиз айна замон талабига жавоб беради, деб айтолмаймиз. Яъни фоиз ҳисобида олганда катта кўрсаткични ташкил этмайди.

Аҳамият берсак, уларнинг ҳам катта қисми хорижий тил мутахассиси бўлиш мақсадида тил ўрганишган. Бунга қўшимча имконият сифатида қараш кам кузатилади. Айниқса, қишлоқ ёшларида. Аслида чет тилни билиш учун уни ўргатадиган

мутахассислар етарли бўлиши керак. Афсуски, улар етарли эмас. Шу маънода бу мақсадни табиий қабул қилишимиз керак. Асосий муаммо ҳам ўттиз йил давомида бундай мутахассисларнинг етарли бўлмаганида.

Айтиш жоизки, бу борадаги камчилигимиз илғор давлатлар тараққиёти билан бевоқиф танишув, уни ҳаётимизга татбиқ этиш имкониятимизни чекламоқда. Натижада эса фикрлаш даражамиз ортда қолиб, бунинг таъсири барча соҳаларда қолоқлашишимизда кўринаётир.

Давлатимиз раҳбари ўтказган видеоселектор



йиғилишида бундан буён мактаб, лицей, коллеж ва олийгоҳ битирувчилари камида 2 та чет тилини мукамал билишлари шартлигини таъкидлагани бежиз эмас. Тараққиётга бўйлашимиз учун бу энг муҳим чоралардан биридир.

Назаримизда, ёшларимизни кўпроқ мактаб дав-

ридаёқ хорижий тилни эгаллашига эътибор қаратиш лозим. Сабаби, олий ўқув юртига киргунча инглизча ёки французчани ўрганиб олган талабада ўз мутахассислигини жаҳон тажрибаси асосида эгаллаш имконияти бўлади.

Лекин бу вазифани қандай амалга ошириш

асосий масаладир. Чунки жўнгина бажариладиган иш эмас. Мутахассисларга қўйиб берсангиз, бирданига мажлис-бозлик, шиорбозликка зўр бериб, қуруқ оғизда иш қилишни бошлаб юборишади. Ушбу юмушни амалга оширишга монелик қиладиган энг катта тўсиқ ҳам

мана шу. Уларнинг асосий мақсаддан чалғитувчи бундай ҳаракатлар билан жуда кўп хайрли ишларни чиппака чиқаришгани сир эмас.

Яна бир жиҳат. Ёшларимизда тил ўрганиш орқали мақсадлари ҳосил бўлишига умид уйғотиш керак. Замонавий дунёдан хабардор, илғор фикрлайдиган мутахассис эскича муҳитга келгач, унга тобе қилиб қўйилса, бу йўлдан оддий ёшларнинг ҳафсаласи пир бўлади. Ҳазрат Навоий таъбири билан айтганда, «Хунарни асрабон нетгумдир охир, Олиб тупроққа кетгумдур охир» деган хулоса

чиқиб қолиши мумкин.

Ҳозирги кунда жамиятимизда маълум даражада тараққийпарвар қатлам шакланган. Айрим соҳалар тепасига шундай инсонлар қўйилган. Бироқ бу етарли даражада эмас эканки, уларнинг таъсири жуда кам сезилмапти. Шу боис, дунё билан тиллаша оладиган мутахассисларни рағбатлантирувчи чораларни кўрган маъқул. Ушбу рағбат бир-икки сўм қўшимча иш ҳақи, фахрий ёрлик, совға-салом эмас, уларнинг мустақил ишлаши учун шароитдир.

Тўлқин ШЕРНАЕВ.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

«ЯНГИ МАҲАЛЛА ИДОРАСИГА ЭГА БЎЛЯПМИЗ»

Маҳалламиз 2018 йил «Обод маҳалла» дастурига киритилгач, анча обод бўлиб қолди. Кўчаларга шағал ётқизибли, ичимлик сув, электр таъминоти яхшиланди.

Аҳолимиз асосан, чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланишади. «Ёшлар дафтари»га киритилган 40 нафар ёшга 10 сотихдан ер ажратилди. 4 нафари кредит олиб, чеварчилик, эшик-ром яшаш устахоналарини йўлга қўйди. Аёллар ҳам кредит олиб, чеварчилик билан шуғулланишмоқда. 18 нафар аёлимиз қўшни маҳалладаги, 15 нафар аёлимиз эса қўшни Булоқбоши туманидаги трикотаж корхоналарида меҳнат қилишяпти.

Излаган имкон топар, деганларидек изланган киши ишсиз қолмапти. Аксарият эркак-

ларимиз ойликли ишдан кўра, мавсумий ишларни афзал билишмоқда. Чунки мавсумий қурилиш ишларида даромад яхши-да.

Маҳалламиз ҳам янги идорага эга бўлмоқда. Давлат-хусусий шериклик асосида бир тадбиркоримиз янги маҳалла биносини қуриб бермоқда. Бир сўз билан айтганда, аста-секин ўзгаришлар бўй кўрсатмоқда.

Зулхумор ОМОНОВА, Марҳамат туманидаги «Увайсий» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

МЕНДА САВОЛ БОР...

КИМЛАРГА 60 М² ДОИРАСИДА МОЛ-МУЛК СОЛИҒИ СОЛИНМАЙДИ?

— II гуруҳ ногирониман. Номимда 70 квадрат метр бўлган мол-мулк бор. Эшитишимча, бу ҳолатда менга солиқ бўйича имтиёз бор экан. Шу ҳақда маълумот берсангиз...

Нурали ПЎЛАТОВ. Қашқадарё вилояти.

Даврон ҲОШИМОВ, Давлат солиқ қўмитаси масъул ходими:

— Солиқ кодексига кўра, қуйидаги жисмоний шахсларнинг мулкда бўлган мол-мулк олтмиш квадрат метр доирасида солиқ солишдан озод қилинади: — ўн нафар ва ундан ортиқ болалари бор ота-оналаридан бирининг.

Мазкур имтиёз фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг болалар борлигини тасдиқловчи маълумотномаси асосида берилади;

— пенсионерларнинг. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси асосида берилади;

— I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади.

Солиқ имтиёзларига эга бўлган шахслар солиқ имтиёзини олишга бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни солиқ солиш объекти жойлашган ердаги солиқ органларига мустақил равишда тақдим этади.



МАҚТОВ ВА ОЛҚИШЛАР БИЛАН НИМАГА ЭРИШАМИЗ?

Юқори даражадаги амалдорлар билан бўладиган учрашувлар олдидан махсус сценарий асосида унда сўзга чиқувчилар, қайси бири нима дейишигача аниқ белгилаб олиниши таниш ҳолат.

Албатта, уларнинг сўзлари ислохотлардан миннатдорлик, хурсандликни ифодалаши талаб қилинади. Узоқ йиллар шу амалиёт давом этди. Бунинг ортида қандай мақсад ётганини тушуниш учун катта ақл шарт эмас. Раҳбарга яхши кўриниш, ялтоқилик, унинг кайфиятини бузмаслик ва ҳоказо. Гўё шу билан ишлар ривожланиб кетади. Агар биров бунга бошқача фикр билдирдиган бўлса, уни душманга чиқариш даражасига борилади.

Денов тадбиркорлик ва педагогика институтининг педагогика факультети декани ўринбосари томонидан тарих кафедраси ўқитувчиларига институтга вазир келиши мумкинлиги ҳамда у билан бўладиган учрашувда «эс-ҳуши жойида» талабалар иштирок этиб, тизимдаги ислохотлардан миннатдорлик кайфиятини намоён қилиши кераклиги буюрилгани бу иллат осонликча йўқолмаслигини англатди.

Ташвишланарли жиҳати, унинг тараққиёт оёғига тушов эканига парво қилмаслигимиздир. Ахир неча йиллар



шу тахлит яшаб, муаммоларга кўмилмадикми?! Нега ҳалиям кўзимиз очилмайди?

Бундай дейишимизга сабаб ушбу зарарли кўникма бир олий ўқув юрти масъул ходими учунгина хос эмас, кўплаб давлат хизматчилари шундай тушунча билан яшагани истисно қилиб бўлмайди. Албатта, бу каби раҳбар ва ходимлар билан ҳеч қандай натижага эришиб бўлмайди. Аксинча, бор ютуқлар ҳам бой берилади. Тасаввур қилинг, муаммолар тўғрисида бор ҳақиқат айтилмаса, уларнинг ечими ҳақида гап бўлиши мумкинми? Муаммолар ечилмадими, демек, ҳаёт оғирлашиб бораверади.

Энг асосийси, ёмон-

лаш, танқид қилиш билан хушомадгўй, лаббайчи кимсаларни тарбиялаш, фикрини ўзгартириш имконсиз, деб ўйлайман. Биргина йўли воз кечишдир. Қайси идорада шундай «хушёр» ходимлар учраса, нафақат лавозимидан, балки давлат идоралари тизимидан бадарға қилиш лозим. Чунки у бошқа вазифада қолдими, яна эски ҳунарини давом эттираверади. Бу эса давлатга, юртга, халққа катта зиёндр.

Хуллас, бу иллатга қарши аёвсиз курашмасак, тараққиёт, ривожланиш ҳақидаги барча сўзларимиз ҳавога учаверади.

Илғор ЗАМОНОВ,
блогер.

МЕНДА
САВОЛ БОР...

Кимларга ер субсидия асосида берилади?

— Номли давтарларга киритилган оилаларга имтиёзли равишда ер ва кредит ажратиладими?

Ноила ХУРСАНОВА,
Фарғона вилояти.

Фаррух ЖўРАЕВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими:

— «Темир дафтар»га киритилган оилаларга ҳокимликлар томонидан деҳқончилик учун янги ўзлаштирилган, лалми, фойдаланилмаётган ерда 0,1 гектардан 1 гектаргача ер ажратилади, ерни сўғориш ва электр билан таъминлаш, ерларни ўзлаштириш учун субсидия ажратилади.



«Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларга Микрокредитбанк, Агробанк ва Халқ банклари орқали БҲМнинг 150 бараваригача кредит берилади. Кредитларнинг фоиз ставкаси истисно тариқасида 2022 йил 1 январгача Марказий банк асосий ставкасида белгиланади.

Кредитлар 6 ойгача имтиёзли давр билан 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга ажратилади.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

«ЙИРИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ ҚУРИЛСА, ИШСИЗЛИК ҚИСҚАРАРДИ»

Кейинги пайтда маҳалламиздаги йўлларнинг созлигига эътибор қаратяпмиз. Жумладан, 1650 метр йўлга шағал ётқизилди. Шунингдек, ҳашар йўли билан 800 метрлик масофага шағал тўшалди.

Худудимизга янги трансформатор ўрнатилиб, эски симёғочлар бетон устунларга алмаштирилмоқда. Яна бир ижобий ўзгариш — худудимиздаги 29-мактаб учун 220 ўринли янги бино қурилиши бошланди.

Ишсизликни камайтириш борасида ҳам қатор ишларни амалга оширяпмиз. Хусусан, «Аёллар дафтари»га киритилган 27 нафар хотин-қиздан 16 нафари чиқарилди. Яъни уларга имтиёзли кредит, субсидия олишларида, иссиқхона

қуришларида кўмаклашилди. «Ёшлар дафтари»даги 68 нафар ёшдан 20 нафарига ер ажратилди, 17 нафарига имтиёзли кредит берилди, 3 нафарига бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди. 11 нафар ёшлар эса фермер хўжаликлари, янги очилган тадбиркорлик субъектларида доимий иш билан таъминланди. Бундан ташқари, маҳалламизда ушбу аҳоли тоифасига кирмайдиган 59 нафар ишсиз бор. Улардан 5 нафари ишга киритилди, қолганлари билан

ҳам шуғулланыпмиз.

Шу ўринда бир таклифни айтиб ўтмоқчиман. Худудимизда каттароқ ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилса, аҳолимизнинг анча қисми ишли бўлиб қоларди. Тўғри, жорий йилда 3 та тадбиркорлик субъекти ишга тушди. Яна янгиларини ташкил этиш режаси ҳам бор. Лекин улар ишсизлик муаммосини ҳал қилишда етарли бўлмайди.

Бундан ташқари, ичимлик сув масаласи ечилмаган. Ваҳолан-

ки, бизга яқин жойдан ичимлик сув қувири ўтган. Шунингдек, маҳалламизда аҳоли томонидан ўрнатилган қўлбола симёғочларда электр симлари осилиб ётибди. Бу эса инсон ҳаёти учун жиддий хавфни юзага келтиради.

Маҳалламиз биноси қурилганига кўп бўлмаган, мебель жиҳозлари билан таъминланган. Фақат компьютаримиз бир донагина, холос. Бунинг устига, ҳар куни 10-15 та жадвал тўлдиришимизга тўғри келади. Бу

ишга ҳам кечки 18.00 дан кейин вақтимиз бўлади. Чунки кундузи жойларга чиқиб, аҳоли муаммолари билан шуғулланамиз. Ҳамма жойда ҳам шунга ўхшаш аҳвол эканини биламиз. Агар бу масалага тўғри ечим топилса, маҳалла ходимларининг янада самарали ишлашига шароит яратиларди.

Азамат МАВЛОНОВ,
Навой вилояти
Хатирчи туманидаги
«Тинчлик» маҳалла
фуқаролар йиғини
раиси.

Бугунги кунда она тилимизнинг равнақини таъминлаш борасида қилинаётган ишлар фақат баҳслардан нарига ўтмаяпти. Бу жабҳада бирор ўзгариш қилишимиз нарёқда турсин, ҳали шу нарсани қиламизми-йўқми деган масалада тортишиб ётибмиз.

ЎЗБЕК ТИЛИ

ФАҚАТ ЗИЁЛИЛАРГА КЕРАКМИ?

Шунча гаплардан кейин ҳам Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Шухрат Бафоевнинг «Давлат тили ҳақида»ги қонунни амалдаги тартибда қолдиравериш кераклигини тақлиф қилгани ва фикрини бу билан амалиётда бирор муаммо чиққани йўқлиги, ўзга миллатлар давлат ташкилотларига фақат рус тилида муносабат қилаётгани билан изоҳлагани ана шу хулосани янаям қатъийлаштирди. Бу манзарани четдан туриб кузатган бошқа миллатлар «ҳойнаҳой, булар ўзбек эмас-ов, фақат ўзбек деган ном

ва тил қолган-у, шундан фойдалансакми-йўқми, деб муҳокама қилишаётган бўлса керак», деб ўйлашаётгандир. Аслида улар кўчаларимиздаги ёзувларни, ишлаб чиқараётган миллий маҳсулотларимизнинг номларини кўришса ҳам шундай хулосага келишлари тайин. Корхоналар, дўконлар, кафелар, товарларга ўзбекча ном қўйилса, уларнинг даражаси пасайиб қоладигандек, ҳамма томонни ажнабий атамалар босиб кетган. Бу дўкону кафеларга хорижликлар кирадими ёки уларни чет эллик бизнесменлар оч-



ганми? Йўқ, хизмат кўрсатувчилар ҳам, миждозлар ҳам ўзимизникилар. Шундай экан, халқимиз гавжум савдо қиладиган энг катта дўконлар тармоғига «Корзинка», «Макро» деб ёзиб қўйилмас, бирор хафа бўладими? Бундай номлар эса бир-иккита эмас, тўқсон фойздан ошиқни ташкил этади. Орада бир-иккитагина ўзбекчалари учрайди, холос.

Бунга асосий сабаб ҳозирги кунда жамиятимизни бир ҳовуч пулдор мансабдорлар бошқараётгандир. Зиёлиларнинг бу борада ўрни ва

таъсири қилчаллик ҳам сезилмайди, десак муболаға эмас. Чунки уларнинг обрўси ҳамма ерда иқтисодий манфаатлар етакчилиги қилган узок давр мобайнида ерга кўмилди. Айни пайтда халқимиз ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларидагидек жамиятни олдинга бошловчи зиёли қатлам лидерларини танимайди. Чунки бу қатлам куч ва қувватдан қолган, биринчи навбатда уларнинг ўзларига ёрдам керак. Ҳа, жамият зиёлиларини бошига кўтармас, уларнинг ҳурматини жойига қўй-

мас экан, касалликдан тузала олмайди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази деган идоралар бор. Ушбу тузилмаларнинг мазкур ҳолатларга муносабатини таҳлил қилсак, уларда ишлаётганларни зиёли деб аташга ўйланиб қоласан. Чунки бу ташкилотлар ўзбек тили масаласида ҳукумат ва бошқа идораларга қатъий масала қўйиб чиқдими? Йўқ! Яқинда Ёзувчилар уюшмаси матбуот котиби билдирилган тан-

қидга нисбатан фалон-фалон ёзувчи-шоирлар, адабиётшуносларнинг ўзбек тилини ҳимоялаб қилган чиқишларини мисол келтирди. Биланми, кўзда тутилган бу иждоқорлар уюшмага баъзан келиб-келиб турса бордир-у, лекин уларнинг тарқоқ реакцияларини уюшманинг муносабати деб қабул қилиш мумкинми? Саволлар кўп, жавоб ҳам оддий, лекин бунга жазм қиладиган мард топилмаётгани қизиқ.

Илғор ЗАМОНОВ,
блогер.



ҲОЛАТ

ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ ДАВЛАТ ТИЛИНИ ҲУРМАТ ҚИЛМАЙДИМИ?

Тил — бу халқнинг улкан бойлиги. Ўз халқига ҳурматсизлик қилиб бўлмагани каби ўз тилига ҳам ҳурматсиз муносабатда бўлишни оқламаймиз.

Аммо назаримда, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси мутасаддилари бу оддий қондани эшитмаган кўринади. Йўқса, нуфузли давлат қўмитаси ўзбек тилига бу қадар ҳурматсиз муносабатда бўлмасди. Гап шундаки, яқинда «қўнғир айиқ» масаласида қўмита масъулари билан боғлиқ учун ахборот хизмати ва бир қатор бошқарма-

ларга қўнғирроқ қилишга тўғри келди. Ажабки, рақамларга жойланган «робот котиба» фақат бир тилда жавоб берди. Наҳотки, бу ташкилот раҳбарлари муносабатчиликнинг ҳаммаси ҳам рус тилини тушунавермаслигини билишмасе? Тўғри, тил билиш яхши. Мен бу ўринда рус тилини тушунмайдиганлар тарафини олмоқчи эмасман. Аммо рус тилини билмаслик ҳам

айб саналмайди. Масаланинг оғриқли томони, наҳотки, давлат қўмитаси ўзбек тили Давлат тили эканини, шунга монанд тилимизга ҳурмат кўрсатиш зарурлигини ҳис қилишмасе? Ахир рус ва ўзбек тилларида жавоб берувчи «робот котиба» яратилиши эмас-ку? Шу вазиятда Экоқўмита ходимлари кво-таланган 2 та қўнғир айиқни отишга нега

айнан рус овчиси билан осон «тил топишганига» ҳайрон бўлмадим. Агар сиз ҳам давлат қўмитасида қандай қилиб давлат тилига ҳурматсизлик кўрсатилишини билмоқчи бўлсангиз, уларнинг исталган рақамига боғлиқ кўришингиз мумкин! Қизиқ-да, бир томонда Ўзбекистоннинг нуфузли қўмитаси рус тилида ирод қилади,

иккинчи томонда рус фуқароси «Қизил китоб»даги айиқни отади. Агар кимнингдир назарида бу ҳолат арзимасдек туюлса, катта муаммолар кичик хатолардан келиб чиқшини эслатиб ўтаман. Ўйлашимизки, Экоқўмита мутасаддилари юқоридаги кичик эътиборсизликни вақтида ўнглаб қўйишади.

Мақсадбек ФАЙЗ.

Mahalla

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

МУАССИС:

«Mahalla» nashriyot-matbaa uyi» масъулияти чекланган жамияти

Бош директор
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йил 24 сентябрда 0019 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Бош муҳаррир
Санжар ИСМАТОВ

Нашр навбатчиси: Р. Юсупов
Навбатчи: Т. Шерноев
Саҳифаловчи: И. Болтаев

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 59-уй. Индекс: 100192
Телефонлар:
Қабулхона: 71 233-39-89,
Котибият: 71 237-56-80,
Факс: 71 233-10-73.
Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Формати — А-3, 6 босма табоқ, 8530 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-518

1 2 3 4 5 6